

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**Илмий-услубий семинар мажлисининг 1-сонли  
БАЁННОМАСИ**

**Тошкент-2017 йил**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Илмий ишлар бўйича проректор**

Ш.И. Мустафакулов

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 йил

Тошкент ш.

2017 йил 27 сентябрь

**Раислик қилувчи:** Илмий ишлар бўйича проректор Ш.И.Мустафакулов.

**Қатнашдилар:** ИИПКТ бўлими бошлиғи М.С.Қосимова, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар (рўйхати илова қилинади).

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Таянч докторант А.Ж. Қаххоровнинг “Ўзбекистон автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги 08.00.11 - Маркетинг ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация иши муҳокамаси.

2. Таянч докторант А.Ж. Хўжамурадовнинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш” мавзусидаги 08.00.17 - Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация иши муҳокамаси.

3. Ҳархил масалалар.

Кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамасидан олдин университет Илмий ишлар бўйича проректори Ш.Мустафакулов куйидаги муҳим жиҳатларга ва бугунги кунда тадқиқотчилар олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб ўтди.

Хусусан, университетнинг илмий салоҳиятини янада ошириш бугунги куннинг устувор вазифалардан бири эканлиги тўғрисида фикр юритиб, илмий тадқиқотларни янада кучайтиришда замонавий дастур ва технологиялардан кенг фойдаланиш, тадқиқотчилар учун махсус курслар ташкил этиш, иқтисодиёт соҳасида самарали фаолият олиб бораётган амалиётчи-мутахассислар, фан доктори ва академикларни бевосита тадқиқотчилар билан ўтказиладиган илмий семинарларга жалб қилиш, уларнинг бой тажриба ва билимлари билан ўртоқлашиш орқали тадқиқотчиларни илмий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, илмий тадқиқотда эконометрик моделларнинг қўлланилиши, статистик кўрсаткичларни сабабий боғлиқликда таҳлил қилиш жараёнларида “Stata”, “Eviews” эконометрик пакетларидан кенг фойдаланиш ва бу бўйича илмий изланувчиларнинг билимини ошириш бўйича тизимли ва мунтазам

равишда семинарлар ташкил этиб бориш лозимлигини илмий семинар иштирокчиларига етказди.

Чунончи Ш.И.Мустафакулов ўз маърузаси давомида тадқиқотчиларни очиқ мулоқотга чорлаган ҳолда, илмий-тадқиқот соҳасини янада такомиллаштириш бўйича қандай таклиф-тавсияларнинг борлиги ҳамда тадқиқотчиларни қийнаб келаётган мавжуд муаммолар нимадан иборат эканлигини билиш мақсадида уларга мурожаат этди.

Шунданг сўнг, М. Юсупов (3 курс таянч докторанти), Д. Хусанов (2-курс таянч докторанти), С.Бердиев (1-курс таянч докторанти) сўзга чиқиб, тадқиқотчилар учун махсус курслар ташкил этилишини қўллаб-қувватлашди ва докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчиларни доимий апробациядан ўтказиб бориш, диссертация ишини ҳимоя қилган докторант ва таянч докторантлар билан учрашувлар ўтказиш, ОАК вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш таклифларини билдиришди.

Ш.И. Мустафакулов, яна қандай таклифлар бор?

Б. Урунов (3-курс таянч докторанти). Менинг таклифим қуйидагича. Илмий ишларни ҳимоя қилиш жараёнида ҳужжатларни рамийлаштириш бўйича аниқ бир мезон ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ОАКга ҳужжатларни рамийлаштиришнинг аниқ (конкрет) мезонини ишлаб чиқиш таклифини бериш керак.

3. Хакимов (3-курс таянч докторанти). Хорижий мақолаларни ўрганиш жараёнида бизда бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Яъни улар жуда мураккаб ёзилган, мақолада муаммо қандай қўйилган? қандай ечилган? қайси моделдан фойдаланилган? тушуниш бироз қийин бўлмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳа мутахассислари билан учрашув ташкил этиш таклифини бераман.

Ш.И. Мустафакулов. Барчангизга мазмунли ва ўринли таклифларингиз учун раҳмат. Кейинги илмий семинарларни ушбу таклифларингизни инобатга олган ҳолда ташкил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур масала юзасидан иккинчи маърузачи сифатида ИИПКТ бўлими бошлиғи М. Касимова сўзга чиқди. М. Касимова ўз маърузасида тадқиқотчиларнинг йиллик иш режаларини тасдиқлаш, университет илмий журналларини халқаро даражага олиб чиқиш, нуфузини янада ошириш, глобал импакт факторини кўтариш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Ўтказилган мазкур илмий семинарда университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ш.И. Мустафакулов илмий семинар номини “**Докторант ва таянч докторантлар илмий семинари**” деб ўзгартириш таклифини киритди. Таклиф бир овоздан қўллаб-қувватланди.

**1. Шундан сўнг, кун тартибининг иккинчи масаласи – Таянч докторантлар диссертация иши муҳокамасига ўтилди.** Режа бўйича 3-курс таянч докторантлари А.Ж. Қаххоров ва А.Ж. Хўжамурадов ўз диссертация иши натижалари бўйича такдимот қилдилар.

Ушбу жараёни проректор Ш.И. Мустафакулов бевосита бошқариб борди.

Ҳурматли тадқиқотчилар! Бугун 2 нафар таянч докторант ўз диссертация иши натижалари бўйича тақдимот қилиши режалаштирилган. Сўзни 3-курс таянч докторанти А.Ж. Қаххоровга бераман.

Ассалому алайкум ҳурматли илмий семинар иштирокчилари, ҳурматли раис!

Бугун мен Сизнинг эътиборингизга 08.00.11-Маркетинг ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Ўзбекистон автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий ишимни тақдим этмоқдаман.

Жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири транспорт тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бутун дунёда халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви, ички ва ташқи бозорда юқори рақобатга эга бўлиши, оммавий тадбиркорлик ва туризм салоҳияти транспорт тизимининг ривожланганлиги билан белгиланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра йиллик транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми 2,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, дунё ЯИМ таркибида 10 фоизга бориб етган. Халқаро транспорт хизматлари бозорида муросасиз рақобат кечаётган бир пайтда истеъмолчилар талабини қондириш ва янги ҳудудларни эгаллаш орқали хизмат кўрсатиш инновацион маркетингни қўллашни талаб этмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда транспорт хизматлари ва унинг муҳим инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига мамлакат транспорт тизимида автомобиль транспорти етакчи мавқега эга. Ҳозирги кунда транспортнинг ушбу тури зиммасига умумий ташилаётган юкларнинг 93 фоиздан, йўловчиларнинг 98 фоиздан кўпроғи, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи, ишлаб чиқариш фондларининг 15 фоизи ва меҳнатга банд бўлганларнинг 4 фоизи тўғри келади.

Ҳудудлар ва тармоқлараро кооперацияни, оммавий тадбиркорлик ва савдо-сотикни ривожлантириш, аҳоли ҳаракатчанлиги ва иш кучи миграциясини тезкор таъминлашнинг нечоғлик самарали амалга оширилиши автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш бозорининг ривожланишига боғлиқ. Аммо бугунги кунда автомобиль транспорти тизимида рентабеллик даражасини пастлиги, унинг аҳоли саломатлиги ва экологияга салбий таъсирининг талаб даражасида эмаслиги, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторларида транспорт харажатлари улушининг юқорилиги, ҳудудларнинг йўл тармоқлари ва инфратузилма объектлари билан нотекис таъминланиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабларини баҳо ва сифат жиҳатдан қондира олмаяпти. Бу эса автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясидаги иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан, ....“ хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, шунингдек, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш, йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш” дан иборат транспорт хизматлари бозорини инновацион ривожлантириш йўли белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида” ги 1446-сонли қарори, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-1446-сонли «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация иши** республика фан ва технологиялар ривожланишининг ИТД-2 “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодий модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университетининг А-2-38 “Марказий Осиё регионида халқаро логистикани ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб беришдан иборат **(2-слайд)**.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат.

бозор иқтисодиёти шароитида инновацион маркетингнинг иқтисодий фаолият сифатидаги мазмун-моҳиятини изоҳлаб бериш;

автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш бозорида инновацион маркетингнинг аҳамияти ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир этувчи омилларни тизимли таснифлаш;

автомобиль транспорти хизматлар бозори ривожланиши ҳолатининг таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш;

автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолияти ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва истиқболини баҳолаш;

автомобиль транспортида инновацион хизматларни тижоратлаштиришнинг замонавий муаммоларини ўрганиш ва унинг ечималарини ишлаб чиқиш;

автомобиль транспортида инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи мезонларни аниқлаш ва уни баҳолашнинг услубий таъминотини яратиш;

автомобиль транспорти тизимда инновацион маркетингни қўллаш бўйича тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат **(3-слайд)**.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон автомобиль транспорти хизматлари бозори ва хўжаликлари фаолияти олинган **(4-слайд)**.

**Тадқиқотнинг предмети** автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади **(4-слайд)**.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:**

автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини самарали жорий этиш юзасидан назарий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган;

автомобиль транспортида инновацион хизмат кўрсатишни тижоратлаштиришнинг иқтисодий модели таклиф этилган;

автомобиль транспорт тизимида инновацион маркетинг салоҳияти ва таркибий элементларини шакллантириш, ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш орқали корхоналарда инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгилаб берилган;

транспорт корхоналарининг инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш услубиёти таклиф этилиб, шу асосда уларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган **(5-слайд)**.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацион ва анъанавий маркетинг воситаларида маҳсулотни силжитиш позициясини белгиловчи матрица ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари бозоридаги ўзгаришларга тезкор жавоб бериш, хизмат кўрсатиш жараёнини назорат қилиш ва экспресс баҳолаш имконини берувчи инновацион транспорт хизматларини тижоратлаштириш алгоритми таклиф этилган;

автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда инновацион маркетингни қўллаш самарадорлигини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилиб, “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида қўлланилган;

“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг инновацион маркетинг стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишнинг умумий механизми таклиф этилган **(6-слайд)**.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг транспорт хизмат кўрсатишида инновацион маркетингни самарали

ташкил қилиш, инновацион маркетингни самарали қўллаш натижасида техник эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш ва иқтисодий самарага эришишда муҳим илмий ишланма сифатида қабул қилинди. (“Ўрта Осиё Транс” АЖнинг диссертация илмий янгиликлари амалиётга жорий этилганлиги бўйича 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномаси), жумладан:

автомобиль транспортида хизмат кўрсатишда инновацион маркетинг фаолиятини самарали жорий этиш юзасидан назарий-услубий ёндошувлар ишлаб чиқилди;

автомобиль транспортида инновацион хизмат кўрсатишни тижоратлаштиришнинг иқтисодий модели таклиф этилган;

автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг салоҳияти ва таркибий элементларини шакллантириш, ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш натижасида “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг инновацион маркетинг фаолияти йўлга қўйилди;

автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда инновацион маркетингни қўллаш самарадорлигини баҳолаш услубияти “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида қўлланилди.

Таклиф этилган услубият натижалари асосида белгиланган стратегик мақсадлар “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида инновацион маркетингни жорий қилиш техник эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида ялпи даромадни 17%га оширилди, шунингдек 660,0 млн. сўм қўшимча фойда олишга эришилди **(7-слайд)**.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган **(8-слайд)**.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий ишлар, шундан 8 та ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда, 2 та халқаро журналларда мақола, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза тезислари чоп қилинган **(8-слайд)**.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 165 бетдан иборат **(8-слайд)**.

Республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугунги кунда хўжалик субъектлар фаолиятини замонавий механизмлар асосида такомиллаштиришни талаб этади. Бозор муносабатлари шароитида, долзарб муаммоли масалаларни, рўй берадиган ўзгаришлар ва юзага келиши мумкин бўладиган имкониятларни олдиндан кўра олиш, хўжалик сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва ушбу ўзгаришларга янгича услуб, янгича техника - технология орқали ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш давр талабидир. Айнан шу “янгилик” атамаси бугунги кунда “**инновация**”, “**инновацион фаолият**”, “**инновацион маркетинг**”, деб аталади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация, инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Инновацияларни алоҳида корхоналар, қолаверса, бутун иқтисодиёт фаолиятига таъсирининг муҳим аҳамияти мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган ҳамда ўрганилган.

Ҳозирги замоннинг машҳур менежмент назариячиси П. Друкер маркетинг ва инновация атамасини бир-бирига боғлаб қуйидаги фикрларни айтган: *“Хар қандай компанияга фойда олиб келувчи жиҳат - маркетинг ва инновация ҳисобланиб, қолгани урунишларнинг ҳаммаси эса харажат ёки зарардир”*.

Ф. Котлернинг фикрича, инновацион маркетинг - маркетинг концепцияси ҳисобланиб, корхонанинг маркетинг методлари ва маҳсулотни узлуксиз равишда такомиллаштиришдан иборат бўлган фаолият деб тариф берган.

Инновацион маркетингнинг ўзига хослиги ва бизнес учун долзарблигини замонавий етук адабиётларни қиёслашга кўпроқ эътибор берамиз. Булардан Д.А. Марков “инновацион лойиҳаларни бошқариш” номли машҳур ўқув қўлланмасига инновацион маркетингни қуйидагича ифода этган, инновацион маҳсулотни яратиш жараёни, инновацион маҳсулотни ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш, янги маҳсулотга нарх белгилаш, муваффақиятлар бўйича имкониятларни аниқлаб, янги маҳсулотни бозорга чиқариш деб эътироф этган **(9-слайд)**.

Юқоридаги кўриб ўтилган олим ва мутахасисларнинг инновацион маркетингга берган таъриф ва тавсифларини таҳлил қилар эканмиз, улар томонидан асосан инновацион маҳсулотни бозорга силжитиш билан боғлиқ маркетинг фаолият нуқтаи назардан ёндашилганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин уларнинг фикрича, биз маркетингни иқтисодий фаолият сифатида ўзини олиб кўрадиган бўлсак, унда қўлланиладиган янги восита ва усуллар ҳам инновацион фаолият бўлиб юзага чиқади. Бундан келиб чиқиб, инновацион маркетингга қуйидагича муаллифлик таърифини келтиришни лозим топдик.

**Инновацион маркетингга** бир томондан инновацион маҳсулотни силжитиш, иккинчи томондан ҳар қандай маҳсулотни инновацион воситалар ёрдамида силжитишга йўналтирилган фаолият сифатида таъриф беришимиз мумкин.

Демак, инновацион маркетингга берилган таърифдан келиб чиқиб, маҳсулотни силжитишда маркетингнинг бирор-бир воситасидан фойдаланишимиз мумкин **10-слайдда**.

Корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиш кўплаб тадқиқотларда “маҳсулот-бозор” партфели доирасидаги муҳим бир йўналиш сифатида ўрганилган. Ҳар бир маҳсулот бозордаги талабнинг ҳар қандай шароитида сотилиши ва унинг иқтисодий натижадорлиги билан белгиланади. Шунинг учун мавжуд ва инновацион маҳсулотни бозорга силжитиш позициясини белгиловчи “маҳсулот-талаб-маркетинг” матрицаси ишлаб чиқилди. Бу расмни **11-слайдда** кўришимиз мумкин.



Транспорт хизматлари кўрсатиш бозори ривожланишининг бугунги кун ҳолати таҳлили ушбу соҳада рақобатнинг изчил кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда нафақат замонавий транспорт воситаларига эга, балки улардан самарали фойдаланишни таъминлай оладиган автотранспорт корхоналаригина кескин рақобат шароитида бозорда яшовчанлик қобилиятига эга бўлиши мумкин. Бу эса мижозларга йўналтирилган транспорт хизматлари кўрсатишнинг қайишқоқ мослашувчан тизимларини қўллашни талаб этади.

Юқорида зикр этилган муаммолардан келиб чиқадиган бўлсак, автомобиль транспорт хизматларини кўрсатиш бозорида замонавий инновацион маркетингнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

автомобиль транспорти корхоналарининг инновациялар бўйича малакали кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш;

транспорт хизматлари соҳасида инновацион ғояларни шакллантириш;

транспорт хизматларини кўрсатиш бозорида маркетинг тадқиқотларининг янги усул ва воситаларини қўллаш;

бозорни сегментлашнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш;

мақсадли сегментларни эгаллаш ва ривожлантириш учун янги маркетинг стратегияларини шакллантириш;

транспорт хизматлари ассортименти сиёсатини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

янгича баҳо сиёсатини юритиш, алоҳида бозор сегментлари учун чегирмалар жорий этиш;

коммуникация сиёсатининг янги шакл ва воситаларидан фойдаланиш;

транспорт-логистика соҳасида инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш жараёнларини амалга ошириш **12-слайдда**.

Замонавий транспортнинг олдида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; юк ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик, узлуксизлик ва тезкорликни таъминлаш каби талаблар қўйилади. Уларга жавоб бериш учун автомобиль транспорти қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

тижорат талаби доирасидаги вазифаларни бажариш имкониятини берувчи транспорт воситалари, ускуна ва қурилмалардан иборат маълум бир ишлаб чиқариш қувватига;

хизмат кўрсатиш қувватларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришни таъминловчи тизимга;

транспорт воситалари, ускуна ва қурилмаларнинг юқори даражадаги сифатига;

самарали эксплуатацион кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги ва ҳоказо **(13-слайдда)**.

Фикримизча, транспорт фаолиятга қаратилган инновацион маркетинг концепциясининг асосий ташкил этувчилари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

1. Ғоявий. Маркетинг ғоялари асосида корхона мақсадини шакллантириш ва ривожланиш стратегиясини белгилашнинг бозорга йўналтирилганлиги самарали фаолият юритишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Мақсадлилиқ. Талаб даражасидаги рақобатбардошлиқни таъминлаш учун транспорт хизматлари кўрсатиш бозоридаги улушни ошириб бориш, истеъмолчилар хайрихоҳлигига эришиш ва улар талабини мумкин қадар мукамал кондириш даражаси, корхона обрўсини ошириш ҳамда бошқа мақсадларга эришишнинг барча поғоналарида маркетингнинг ролини ошириш.

3. Ташкилий. Стратегик, тактик ва тезкор поғоналарда ташкил этиш ва бошқарув тизимининг маркетингга йўналтирилганлиги.

4. Иқтисодий. Маркетинг фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш учун етарли даражада иқтисодий мустақиллик ва молиявий манбаларга эга бўлиш.

5. Ахборот. Корхонанинг бозор, истеъмолчилар ҳамда рақобатчилар тўғрисида ишончли ахборот манбалари ва маълумотлар базасига, самарали маркетинг қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тезкор йиғиш ва тарқатиш тармоғига эга бўлиши.

6. Услубий таъминот. Хизмат кўрсатиш, баҳо, сотиш ва коммуникация сиёсатларини юритишда турли-туман маркетинг восита ва услубларидан жадал фойдалана олиш имкониятлари.

Юқорида зикр этилган илмий-назарий мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда автомобиль транспорти хизматини кўрсатишда инновацион маркетингга қуйидагича таъриф берилган.

Автомобиль транспорти хизматида инновацион маркетинг фаолияти - истеъмолчиларнинг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар тўлиқ кондириш билан боғлиқ инновацион фаолияти ҳамда транспорт-логистика хизматларини инновацион йўллар билан силжитишга қаратилган маркетинг тадбирлари мажмуидир **(14-слайд)**.

Инновацион маркетинг омиллари инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш, силжитишга қаратилган маркетинг тадбирлари сабаби ва бозордаги ходисаларни ҳаракатга келтирувчи кучга эга бўлган воқелик деб, муаллифлик таърифи берилган.

Автомобиль транспорт хизматида инновацион маркетинг омиллари автомобиль транспорти хизматларини силжитиш билан боғлиқ бўлган маркетинг фаолиятига бир марта ва доимий сабаб бўлувчи ходисалар мажмуидир.

Автомобиль транспорт корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни тўртта даражага ва ҳар бир даражада табиий учрашига қараб омиллар тизимлаштирилди, булар: *мега даражадаги омиллар, макро даражадаги омиллар, мезо даражадаги омиллар, микро даражадаги ва ҳар бир даражада табиий учрайдиган омиллар* **15-слайдда** тизимли таснифланган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланишида транспорт тизими етакчи мавқега эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтиришда истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Транспорт-йўл инфратузилмасини республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ ҳолда тезкор ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги «2015-2019 йилларда муҳандислик коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1446-сонли қарорида транспортда юк ташишни самарали ташкил этиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар хил транспорт турлари томонидан хизматлар кўрсатишда туташликни таъминлаш, транзит юк ташиш кўпайишини, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш устувор йўналишлар қилиб белгиланганлигини **16-слайдда** кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг миллий транспорт салоҳиятини яхшилаш иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш ва экспортдаги рақобатдошлигини ошириш имконини беради. Дунё амалиётида миллий иқтисодиётнинг ўсиши ҳам айнан, транспорт соҳасининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Шундай экан, транспорт соҳасини ўрганувчи ҳар бир олим авваломбор, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва ривожланиш даражасини тадқиқ қилиб баҳолаши зарур.

Транспортнинг иқтисодиётда тутган ўрни моҳиятини ифодалаб беришда оммавий, махсус ва иқтисодий адабиётларда кўп бора “транспорт”, “транспорт тармоғи”, “автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, қувур транспортлари”, “транспорт тизими” атамаларига дуч келинади.

“Транспорт” тушунчаси умумий бўлиб, у фаолиятнинг барча жабҳаларини ўз ичига олади, “транспорт тармоғи”, “автомобиль транспорти”, “темир йўл транспорти” ва бошқа тушунчалар транспортнинг тармоқ сифатида иқтисодиётдаги тутган ўрнига баҳо беришда, “транспорт тизими” тушунчаси эса эса – ягона транспорт тизими ёки унинг алоҳида турлари миқёсида ўзаро алоқадор бўлган элементлар мажмуасини англатиб, маълум бир замон ва маконда уларнинг ташқи ва ички муҳит таъсирида ўзгаришини ўрганишда қўлланилади.

Умуман, транспорт тизимининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги ўрнини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимлари изланишлар олиб борганлар. Улар жумласига И.А.Морозова, Г.А.Гольц, Л.Б.Миротин, С.Л.Головоненко, Н.Табакков, М.А.Икрамов, М. Н. Ирисбекова, Ғ.А.Саматов, Т.У.Қодиров ва бошқалар тадқиқотларини **17-слайдда** кўришингиз мумкин.

Мустақиллик йилларида транспорт тизимининг натурал кўрсаткичлардаги иш ҳажмининг ўсиш суръатлари унинг ялпи ички маҳсулот таркибида улуши ўсиш суръатларидан бирмунча орқада қолган. Бундан кўриниб турибдики, тармоқ корхоналарида замонавий ҳаракат воситалари билан етарли даражада таъминланмаганлик ҳамда улардан фойдаланиш унумдор-лигининг пастлиги соҳанинг рақобатдошлигига салбий таъсир этибгина қолмай, хизмат кўрсатиш таннархи ва баҳосининг ошиши ҳамда иқтисодиётда яратилаётган маҳсулот ва хизматлар таннархида транспорт ташкил этувчисининг юқори даражада бўлиб қолишига ҳам олиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига мамлакат транспорт тизимида автомобиль транспорти етакчи мавқега эга. Транспортнинг ушбу тури зиммасига 2016 йилда умумий ташилаётган юкларнинг 92 фоизи, йўловчиларнинг 98,5 фоизи тўғри келган. Ялпи ички маҳсулот ҳажмида транспортнинг улуши 10 фоиз атрофида бўлса, шунинг 65-70 фоизи автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади.

Транспорт хизматлари ривожланишининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва унинг миқдорий трендларининг Excel дастури бўйича олинган натижалари транспорт хизматларининг 9,5 % оширилиши, ЯИМни бир фоизга ошишини таъминлаб беради (2-расм). Унга кўра,  $R^2 = 0,9969$  бўлганда  $y = 0,0953x + 19,072$  бўлади.

Шу боисдан, миллий иқтисодиёмиз барқарорлиги ва халқаро глобаллашуви транспорт хизматлари доимий рағбатлантирувчи восита сифатида ўз тасдиғини топган (**18-слайдда**).

Бугунки кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган автомобиль транспорти корхоналарининг таркиби ҳам йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. 2017 йилга келиб, уларнинг сони 2001 йилга нисбатан эса 88 фоизга ошган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хусусий автомобиль транспорти корхоналари улуши 90,0 фоиздан 96,5 фоизга бориб етган.

Шунингдек автомобиль транспорт хизмати билан фаолият юритувчи корхоналар сони 2001 йилда 962 тани ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб, 7780 тага етган. Булардан 6041 таси микрофирмалар, 1588 таси кичик корхоналар ва 151 та йирик корхоналар ҳисобланади. Ушбу автомобиль хўжаликларнинг мулк шаклига кўра тескари ўзгариш содир бўлган. Масалан, 2001 йилда йирик корхоналар сони 617 та бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 466 тага камайган, яъни 151 тани ташкил этган. Микрофирмалар сони 25 мартага, кичик корхоналар сони эса 22 мартага ошган. Бундан кўриниб турибдики, транспорт соҳасида ҳам кичик бизнес, яъни кичик корхоналар асосида транспорт хизмат кўрсатишни ташкил этилганлигига яна бир бор амин бўламиз. Аммо халқаро транспорт ташувларида йирик автомобиль транспорт корхоналари сони ва уларнинг салоҳиятини оширишимиз даркор.

Автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш бозорида улуши ортиб бораётган хусусий ташувчилар транспорт хизмати бозорига тез мослашувчан бўлиб, уларнинг ихтиёридаги автомобилларининг 85-90 фоизини айнан кичик тоннали ва магистрал юк автомобиллари, шунингдек, эксплуатация муддати анча катта бўлса ҳам, йўловчилар учун қулайлиги бирмунча яхши бўлган хорижий русумдаги микроавтобус ва магистрал автобуслар ташкил этади. Юридик шахслар ихтиёридаги автомобилларнинг 64,8 фоизи юк автомобилларидир. Мавжуд юк автомобилларининг 35,2 фоизи, автобусларнинг 26,2 фоизи, микроавтобусларнинг 84,3 фоизи ва енгил автомобилларнинг 94,5 фоизи хусусий автомобиль транспорти эгалари ҳиссасига тўғри келиши **19-слайдда** келтириб ўтилган.

**20-слайдда** кўриниб турибдики, республикамиз транспорт хизматлари бозорида юк ташиш ҳажмининг сўнгги йилларда муттасил ошиб келмоқда. Масалан, автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмининг 2 баробар ортиши шароитида юк айланмасининг бундай ошишига 1 тонна юкни ўртача ташиш масофасининг 13,8 км дан 33,9 км гача узайиши ҳисобига эришилган. Бу эса: биринчидан, иқтисодиётнинг моддий ишлаб чиқарувчи ва асосий юк сиғимини шакллантирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иқтисодий алоқалари географиясининг кенгайиб бораётганлигидан далолат берса; иккинчидан, шаҳарлараро ва халқаро ташувларда автомобиль транспорти темир йўл транспорти билан рақобатга киришаётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, йўловчи ташиш транспорт хизматлари бозорида ҳам юқори даражали ўсиш суръатини кузатишимиз мумкин. Бунда 2015 йилга келиб, автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажми 7511,4 млн. кишини, йўловчи айланмаси 95,0 млрд йўл.-км. ни ташкил этиб, уларнинг умумий транспорт тизимидаги улуши мос равишда 92,5 ва 90,2 фоизга тенг бўлади

Республикамизда транспорт хизматлари жараёнига таъсир қилувчи бир қатор омиллар натижасида харажатларнинг юқорилиги экспорт харажатлари ошиб кетиши ва миллий иқтисодиётда яратилаётган маҳсулотларнинг қимматлашувига олиб келмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг транспорт харажатлари экспорт қилишда Европа Иттифоқи мамлакатларидаги 5-7% ўрнига ташилаётган юк қийматининг (товарларнинг турларига боғлиқ ҳолда) 15-30 фоизидан 60-70 фоизигачани ташкил этади. Кўриниб турибдики, республикамизда кенг истеъмол қилинадиган экспорт товарларининг асосий нархида транспорт хизматлари улуши ўртача дунё кўрсаткичларидан 2,5-2,6 баравар юқоридир. Транспорт хизматларининг қимматлашуви ва транспорт тарифларининг юқори ўсиш динамикаси авваломбор, реал сектор учун хавф туғдириб, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон банкининг баҳосига кўра, аксарият компаниялар учун транспорт-логистика харажатларини 1% пасайтириш сотиш ҳажмининг 8 фоизга ўсиши билан тенгдир. Шу боисдан транспорт-логистика харажатлари мақбуллаштирилган тақдирда қисқа муддатли истиқболда маҳаллий

корхоналарнинг барча иқтисодий кўрсаткичлари реал ва самарали яхшиланиш имкониятига эга бўлади.

Бу борада республикамизда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланиш ва шу орқали миллий иқтисодиётни модернизациялаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, инновацион фаолиятни ташкил этишда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги қурилма, янгича ёндашув, инновацион лойиҳаларни яратиш ва улардан фойдаланиш, интеллектуал фаолиятнинг маҳсули бўлган патент, гувоҳнома, ноу-хауларни яратиш ва фойдаланишга йўналтириш билан боғлиқ муҳим шароитларни яратиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилаётган инновацион маҳсулотлар ҳажмининг ошиб бориши уни қўллаш имконияти кенглигини ифодалайди. Юқорида эътироф этиб ўтилган инновацион фаолият билан боғлиқ кўрсаткичларнинг республикамиз бўйича тахлили бир қатор муаммоларни кўрсатиб беради.

Сўнги ўн йилликда илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилотлар сони яратилаётган инновация ҳажмига нисбатан тескари пропорционал ўзгармоқда. 2014 йилда амалга оширилган илмий – тадқиқот ишлари 2007 йилга нисбатан олиб кўрсак, 4.5 баробарга ошганини ва республикамизда ишлаб чиқилган инновацион товар, иш ва хизматлар ҳажми эса 2007 йилга нисбатан 5.6 баробарга ошганини кўришимиз мумкин **21-слайдда**.

Шунингдек, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда иқтисодиётнинг тармоқлар кесими бўйича таҳлил қилсак, охириги ун йилликда саноат соҳасида яратилаётган инновациялар умумий инновацияларни 85-90 %ини ташкил қилади. Масалан, 2016 йилда ишлаб чиқилган инновацион маҳсулотлар қишлоқ хўжалигида 1 %, транспорт ва алоқа соҳасида 9 %, қурилиш соҳасида 1 %, савдо соҳасида 1 % ҳамда саноат ишлаб чиқаришда 88 %ни ташкил қилган (**22-слайдда**).

Республикамизда яратилаётган инновацион ишланмалар таркиби бўйича таҳлил қилсак, технологик ва ташкилий инновацияларга нисбатан маркетинг инновациялари ҳажми етарли даражада эмас, шунингдек, маркетингдаги инновацион ишланмаларни корхоналар сонига нисбатан олсак, ижобий баҳо бера олмаймиз. Жумладан, 2010 йилда 32 та маркетинг инновациялари жорий қилинган бўлса, ушбу кўрсаткич ҳеч қандай ижобий томонга ўзгармаган, яъни 2016 йилда 29 тани ташкил қилган. Маркетинг инновацияларини жорий қилган корхона ва ташкилотлар сонига нисбатан ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 15 мартага ортган.

Глобаллашув шароитда ҳар бир корхона маълум ҳудуд ҳамда ундаги бозор шарт-шароитларида фаолият юритади ва шундан келиб чиқиб, маркетингнинг турли воситаларидан фойдаланади. Бироқ бугунги кунда республикамизда инновацион маркетинг технология ва воситалари қўлланилишидаги жиддий

тўсиқлар мавжуд бўлиб, уларни ташкилий ва инсон ресурслари билан боғлиқ муаммоларга ажратиш мумкин.

Юқорида таҳлил қилиб қилиб ўтилган 2-жадвалда республикамиздаги яратилган маркетинг соҳасидаги инновациялар ишлаб чиқариш ва савдо соҳасига тегишли бўлиб, бевосита транспорт хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлиқ ишланмалар мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолияти билан боғлиқ илмий ишланмаларни яратиш ва изланишлар олиб бориш лозим (**23-слайдда**).

**24-слайдда** кўриниб турибдики, ташиш харажатларининг асосий моддалари транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳисобига тўғри келади. Тармоқда ҳаракат воситалари таркибининг асосий камчиликларидан бири уларнинг номутаносиб структураси ва юқори ўртача ёшидир. Республика ҳудудий автомобиль транспорти бирлашмаларида ишлатилаётган транспорт воситаларининг эскириш даражаси уларнинг автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш бозоридаги рақобатга бардош бера олмасликлари асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга кўра бугунги кунда юк автомобилларининг 85 фоизининг эскириш даражаси юқори бўлиб, 15 йилдан ортиқ эксплуатация қилинмоқда. Автомобилларнинг жисмонан ва маънан эскириши техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ёнилғи харажатларининг меъёридан ортиб кетишига олиб келади. Юк кўтариш қобилияти 16 тоннада юқори бўлган тиркамали ва ярим тиркамали автомобилларнинг улуши 10 фоизга етмай, айниқса шаҳарлараро ва халқаро ташувларда миллий транспорт компанияларининг маркетинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз 30 дан ортиқ мамлакатлар билан автомобилларда ташувларни амалга оширади. Сўнгги 5 йилда автомобиль транспортида халқаро юк ташиш ҳажмининг барқарор ўсиш суръатини кузатиш мумкин.

Бироқ автомобиль транспортида кўрсатилаётган халқаро транспорт хизматлари ҳажмининг ошаётганлигини етарли деб бўлмайди. Мутахассислар таҳлилига кўра 2009–2016 йиллардаги ташқи савдо юкларининг 27 фоизигина автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келиб, ривожланган мамлакатларга нисбатан 12-15 мартаба кам экан. 2010-2016 йилларда ташилган экспорт юкларининг 1/3 қисмидан кўпроғи хорижий транспорт компаниялари томонидан ташилган.

Автомобиль траспортида 2009 йилда халқаро йўналишларда юк ташиш рухсатномасига эга транспорт воситалари тури 714 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, уларнинг сони 1965 тага етган, яъни қарийб 2,8 баробарга ўсган. Мос равишда халқаро ташувларни амалга оширувчи автомобиль транспорти корхоналари сони ҳам 111 тадан 207 тага етган. Бироқ тадқиқотлар натижасида аниқландики, халқаро йўналишларда юкларни ташишга мўлжалланган автомобиль транспорти воситаларининг 90 фоиздан ортиғи хизмат муддати 20 йилдан ошган ва Евро-0 стандартларига тўғри келувчи

автомобиллар ташкил этади. Ҳаракатдаги воситалар паркининг бу ҳолати Европа мамлакатлари йўналишида транспорт хизматлари кўрсатиш имкониятини бермайди, халқаро транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида миллий операторлар рақобатдошлигини пасайтириб юборади.

Халқаро юк автомобиль транспорти парки таркиби таҳлил қилинганда умумий автомобилларнинг 75 фоизи кичик юк кўтариш қобилиятига (10 тоннагача), 21 фоизи ўртача юк кўтариш қобилиятига (16 тоннагача) ва атиги 4 фоизи юқори юк кўтариш қобилиятига (16 тоннадан юқори) эга транспорт воситаларидан иборатлиги аниқланди.

Шу боисдан транспорт корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этишга, ўз кучи билан инновацияларни ихтиро қилиш ва жорий қилиш имкониятларини йўққа чиқараяпти. Автомобиль транспорт хизматлари кўрсатишда инновацион маркетинг фаолияти, авваломбор, транспорт-йўл инфратузилмасини яхшилаш, транспорт корхоналарини модернизация қилиш ва транспорт воситалари ҳолатини яхшилаш, ҳудудий тақсмоти бўйича транспорт хизматлари бозорини мамлакат миқёсида сегментларга ажратиш орқали унинг истиқболини башорат қилиш мумкин (**25-слайдда**).

Республикамиздаги транспорт хизмати билан фаолият юритувчи автотранспорт корхоналари, хусусан, халқаро йўналишларда, янги ҳудудларга чиқишда бир қанча талай муаммоларни бартараф этиши лозим.

Айниқса, халқаро транспорт хизмати билан фаолият юритувчи корхоналарнинг рақобатдошлик даражаси юқори бўлмаганлиги сабабли Эрон, Туркия, Россия ва Қозоғистон Республикасининг транспорт компаниялари ва логистика марказлари мамлакатимизга кирувчи асосий юкларни ташиydi. Миллий транспорт операторларининг рақобатдошлигини юқори бўлмаганлигига қуйидаги сабабларни келтиришимиз мумкин:

- транспорт воситалари ва ташиш технологияларининг нисбатан қимматлиги;
- ёқилғи - мойлаш материалларининг нархи юқорилиги;
- ҳаракатдаги транспортларининг жуда катта қисми хизмат кўрсатиш муддатини ўтаб бўлган, Евро-3 ва Евро-4 талабларига жавоб бермайди;
- транспорт жараёнларида инновацион фаолиятдан деярли фойдаланилмаганлиги;
- транспорт корхоналари бошқарувининг янги усулларида унумли фойдаланилмаганлиги;
- миждозларга йўналтирилган транспорт-логистика хизматларини амалга оширишдаги маркетинг фаолияти мавжуд эмаслиги ва инновацион маркетинг технологияларини қўлланилмаётганлигини санаб ўтишимиз мумкин.

Ушбу кўрсатиб ўтилган муаммолар транспорт хизмати истеъмолчилари эҳтиёжини етарли даражада қондирмасдан қолмай, республика транспорти тизимида рақобат муҳити ривожланишига бевосита таъсир қилади. Шу жиҳатдан, Республикамиз транспорт тизимида юз бераётган модернизация ва



диверсификация жараёнлари соҳада янгича транспорт хизматларини намоён этади.

Автомобиль транспорти тизимида замон талабидан келиб чиқиб, инновацион хизматларни яратиш ва уларни тижоратлаштириш бўйича ягона бир қоида мавжуд эмас. Шу жиҳатдан инновацион транспорт хизматларини амалиётга татбиқ этишда қуйидагича умумий жиҳатлар мавжуд:

- инновацион хизматларни яратувчилар келишув шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқини транспорт корхоналарига бериши мумкин. Буларга, илмий тадқиқот институтлари, таълим муассалари, тадқиқотчилар.

- автомобиль транспорти корхоналарининг ўзи кучи ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, инновацион транспорт хизматларини ўзи яратиши ва ундан фойдаланишини келтириб ўтишимиз мумкин (**26-слайдда**).

Бугунги кунда инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш, шу жумладан, инновацион транспорт хизматларини самарали тижоратлаштириш жараёнига тўсиқ бўлувчи бир қатор муаммоларни бартараф қилиш лозим. Буларга қуйидагилар киради:

- транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида инновация маҳсулотлари ва технологияларини яратиш ва истеъмол қилиш борасида илмий-асосланган самарали сиёсат юритиш тизими мавжуд эмаслиги;

- инновацион маҳсулот ва технологияларни тижоратлаштириш имкониятларини баҳолаш бўйича методологик базанинг суст ривожланганлиги;

- инновацион хизматларнинг яратилиши ва уларнинг авфзалликлари тўғрисида истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш ҳажми ва қамровининг етарли эмаслиги;

- инновацион транспорт хизматларини яратиш жараёнида инновацион ташиш техника ва технологияларини тажрибада синаб кўриш учун етарли лабораториялар ва шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги;

- инновацион маҳсулот яратувчилари, уларни тижоратлаштирувчи ва истеъмолчилар манфаатларини мувофиқлаштириш ҳамда уларни рағбатлантиришнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;

- инновацион маркетинг билан боғлиқ муаммоларни келтиришимиз мумкин (**27-слайдда**).

Бугунги кунда автомобиль транспорти тизимида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда унинг самарадорлигини тадқиқ қилиш ва баҳолашда услубий база билан етарли даражада таъминланмаганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолиятни самарали ташкил этишга унинг натижадорлигини баҳолаш бўйича маълум услубиятлардан фойдаланмай, кўзланган натижага эришиш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, бугунги куннинг назарияси ва амалиёти ўртасидаги жуда кўп муаммолар борасида номуносивликлар мавжуд бўлиб, жумладан, автомобиль транспорти корхоналари фаолиятида инновацион маркетинг натижадорлигини баҳолаш услубий баъзасига эҳтиёж бўлса-да, уни шакллантириш ва яратишга эътибор берилмаган. Шу боисдан, автомобиль транспорти тизимини

ривожлантириш ва узоқ муддатдаги истиқболли стратегик режаларини ишлаб чиқишда аваломбор, транспорт хизматларини тижоратлаштириш самарадорлигини баҳолаш, яъни инновацион маркетинг натижадорлигини баҳоловчи услубий базани таъминлаш лозим.

Автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетинг фаолияти натижадорлигини тавсифловчи мезонларни тадқиқ қилишда, аваломбор, мезонларнинг хусусияти қараб танлаб олинади ва унинг кўрсаткичлари тизимлаштирилади.

Автомобил транспорти тизимида инновацион маркетинг салоҳиятини тадқиқ этмай, транспорт хизматларини тижоратлаштириш имкониятларини аниқлашнинг иложи йўқ, албатта. Шу боисдан, автомобиль транспорти хизматларини кўрсатишда инновацион маркетинг салоҳиятини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, шунингдек уни шакллантирувчи омилларни ўрганиш ва ривожлантириш муаммолари юзасидан тадқиқот олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг, фаолиятини ташкил этишда, аввало, транспорт корхоналари инновацион ташиш технологиясига эга бўлиши, хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион маҳсулот ёки хизматларни яратиш ҳамда инновацион усуллар орқали силжитиш масалаларидан иборат дастури амалга оширилиши керак бўлади. Унинг замирида замонавий автомобиль транспорт воситаларига эга корхоналар аҳолига сифатли транспорт хизматларини кўрсатишда унинг хавфсизлигини ошириш ва экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган маркетинг тадбирларини амалга оширишда инновацион маркетинг салоҳияти ташхис вазифасини ўтаб беради (**28-слайдда**).

**28-слайдда** муаллифлик нуқтаи назаридан бу формула ёрдамида транспорт корхоналарининг инновацион маркетинг салоҳиятини баҳолаш билан бирга барча иқтисодий кўрсаткичларни ижобий натижада ифодалашни ҳамда синергетик самарадорликка эришишга мувофиқлигини келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, автомобиль транспорти корхонасининг инновацион маркетинг салоҳиятини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, унинг транспорт хизматлари кўрсатишда инновацион фаолиятни ривожлантириш, умумтранспорт хизматлари бозорида рақобат устунлиги эришиши нафақат транспорт хизматлари жараёнларини бошқариш, балки инновацион салоҳиятини ҳам бошқаришни самарали ташкил этишини тақозо этади. Бунда:

бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда транспорт хизматлари кўрсатишда инновацион ташиш технологияларини қўллаган ҳолда эксплуатацион ва таъминот ҳаражатларини қисқартирган ҳолда бозордаги улушни ошириш;

автомобиль транспорти корхонаси фаолиятини кенгайтиришни таъминлай оладиган даражадаги даромади инновацион салоҳиятни бошқаришнинг натижавий самарадорлиги ҳисобланади.

Инновацион маркетинг самарадорлигини баҳолаш учун ҳалқаро автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи “O’RTA OSIYO TRANS” АЖ фаолияти тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди. Анкета сўровида корхонанинг фаол аъзолари, раҳбар ва унинг ўринбосари, шунингдек, автомобиль транспорт хизматлари билан боғлиқ илмий тадқиқот олиб борган олимлар ўртасида 12 та респондентдан иборат экспертлар ёрдамида амалга оширилди.

Экспертлар фикрича, инновацион маркетингни ташкил этиш бўйича саволлар корхонанинг техник эксплуатацион кўрсаткичлари билан боғлиқлиги жуда яқин бўлиб, тадқиқотда юқори натижага эришиш мумкинлиги таъкидланди. Экспертлар кўйган балларининг ўртача миқдори аниқланиб, баҳолаш жараёнига тақдим этилди.

Умуман, хизмат туридан қайтий назар автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг самарадорлигини баҳолаш тизими мезонларни танлаш, мезонларга мувофиқ экспертлар ёрдамида кўрсаткичларни аниқлаш ва уни баҳолаш жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

Автомобиль транспорти статистик маълумотларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирги пайтгача автомобилларнинг техник тайёргарлик коэффициенти 0,75 дан 0,65 оралиғида сезиларли пасайишга учрамаган бўлса-да, ишга чиқиш коэффициенти 0,6 дан 0,3 гача пасайиб кетган. Бу мавжуд автомобиль паркига тижорат талабларининг сезиларли пасайиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Корхонада техник эксплуатацион кўрсаткичлари пасайиб бориши мавжуд салоҳиятдан етарли даражада фойдаланишига маркетингнинг инновацияларга асосланган тизими ташкил этилмаганлиги ҳамда профессионал ташувчиларда тадбиркорлик қайишқоқлигининг етарли даражада эмаслиги каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шунингдек, “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида ҳам техник эксплуатация кўрсаткичлари пасайиб кетиши ва улардан самарали фойдаланилмаганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, автомобилларнинг ўртача масофадан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан ошмаган. Бунда автомобиль бир томонга юкни олиб бориб қайтишга юксиз юришини ифода этади.

Бугунги кунда “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг рўйхатдаги автомобиллар сони 150 тани ташкил қилиб, унинг 60%и (15-20 йил) хизмат кўрсатиш муддатини ўтаб бўлган. Бунда инновацион маркетинг тадбирлари корхона режасига биноан рўйхатдаги автомобиллар сонини ўзгартирмай фақат 25та автомобилни янгилаш эвазига таъсир этди. Рўйхатдаги автомобилларни янгилаш натижасида Фарғона водийсидаги 4-5 % бозор улушига эришиш мақсад қилиб олинди.

Автомобилларнинг ўртача тезлиги автомобиль транспорти корхоналари билан бевосита боғлиқ бўлмаган кўрсаткич бўлганлиги сабабли маркетинг тадбирлари ҳеч қандай натижа кўрсатмади. Ўртача масофадан фойдаланиш имкониятлари 15 %га ошди, яъни 0.5 кэдан 0.6 кэга ўзгарди.

“ЎртаОсиёТранс” АЖнинг рўйхатдаги автомобиллари 18 ва 24 тоннали бўлиб, уларнинг ўртача юк кўтариш қобилияти амалда 20 тонна деб белгиланган. Инновацион маркетингни қўллаш орқали юкларни жойлаштириш ва мижозларга қараб автомобилларни танлаш имкониятларидан фойдаланиш натижасида ушбу кўрсаткични 1 %га оширишга эришилди. Шунингдек, автомобилларни ўртача кунлик иш вақтининг меъёрий даражаси 8 соат қилиб белгиланган. Аммо юқоридаги кўрсаткичларни яхшилаш натижасида мижозларни кутиш ва ўртача масофадан самарали фойдаланиш эвазига бу кўрсаткични 7 соатга қисқартириш имкониятлари ҳам мавжуд экан. Автомобилларнинг иш вақтидан самарали фойдаланиш меҳнат ҳақи ва ёқилғи сарфини тежаш имконини беради.

Ўртача паркдан фойдаланиш 0.7 коэффициентга эга бўлиб, бунда маркетинг тадбирлари автомобилларнинг маркази ва юк турларига қараб инновацион стратегияни амалга ошириш натижасида уни 5.8 %га ошириш, яъни 0,72 коэффициентга етказишга эришилади.

Юк ташиш масофаси 450 км соатдан 440 км соатга камайтирилди. Яъни белгиланган юкни қисқа масофага ташиш чоралари кўрилди. Шунингдек, инновацион силжитиш усулларидан фойдаланиб, юкларни ортиш-туширишга сарфланадиган вақтнинг 4 соатдан 3 соатга қисқартишга эришилади.

Юқорида кўриб ўтилган техник эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида инновацион маркетингдаги 10 та тадбир лойиҳавий натижаси энг ками билан 17 % даромад ошишига эга бўлиши ва барча техник кўрсаткичлар 3-4 %га яхшиланиши мумкин экан.

Хуллас, инновацион маркетингни қўллаш тадбирлари натижасида “Ўрта Осиё Транс” АЖда 660,0 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

### **Эътиборингиз учун раҳмат!**

**Раис:** Аваз Жамолович диссертациясининг асосий мазмуни бўйича ўз фикрларини билдирди. Энди биз диссертация муҳокамасига ўтамиз. Диссертация бўйича кимда қандай савол бор? Марҳамат!

**и.ф.д., проф. М.С. Қосимова:**

**1-савол. Инновацион маркетингнинг анъанавий маркетингдан фарқи нимада?**

**2-савол. Инновацион ва анъанавий маркетинг воситаларида маҳсулотни силжитиш позициясини белгиловчи матрица қандай комбинациялаштирилади?**

**1-саволга жавоб:** Инновацион маркетинг - маркетинг фаолиятида янги пайдо бўлган йўналиш ҳисобланиб, инновацион маҳсулот ва хизматларни шакллантиришда ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу инновацион ғояни тижоратга тайёрлашни амалга оширади. У корхонага инновацион маҳсулотни максимал самара билан жорий қилиш имконини берувчи усул ва воситалар мажумидан фойдаланади. Инновацион маркетинг технологияларини ўз вақтида қўллаш инновациялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ рискларни пасайтиради, чунки улар потенциал талабни баҳолаш, мақсадли бозор сегментини аниқлаш ва ишланмаларни давом эттириш керакми, улар

кутилган самарани берадимиз деган саволларга жавоб беришга имконият яратади.

**2-саволга жавоб:** Корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиши кўплаб тадқиқотларда “маҳсулот-бозор” партфели доирасидаги муҳим бир йўналиш сифатида ўрганилган. Ҳар бир маҳсулот бозордаги талабнинг ҳар қандай шароитида сотилиши ва унинг иқтисодий натижадорлиги билан белгиланади. Шунинг учун мавжуд ва инновацион маҳсулотни бозорга силжитиш позициясини белгиловчи “маҳсулот-талаб-маркетинг” матрицаси ишлаб чиқилди. “Маҳсулот-талаб-маркетинг” матрицасида биз кординатанинг  $x, y, z$  - ўқларига қуйидагиларни жойлаштириб чиқамиз:  $x$ -мавжуд ва инновацион маҳсулотлар гуруҳи,  $y$ -доимий ва яширин талаб шароити,  $z$ -анъанавий ва инновацион маркетингдан фойдаланиш имкониятлари берилган. Ушбу комбинацияларнинг энг мураккаби инновацион маҳсулотни яширин талаб даврида инновацион маркетинг воситалари ёрдамида силжитиш ҳисобланади. Аммо анъанавий маҳсулотни доимий талаб шароитида анъанавий маркетинг воситалари ёрдамида силжитишнинг энг оддий усули сифатида қарашимиз мумкин.

**таянч докторант. Н.И. Рустамов:**

**1-савол.** Диссертация ишидаги статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва қайси манба асосида шакллантирилган?

**2-савол.** Инновацион маркетинг самарадорлигини нима сабабдан техник-эксплуатацион кўрсаткичлар орқали амалга оширгансиз?

**1-саволга жавоб:** Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика ва давлат божхона кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

**2-саволга жавоб:** Ҳар қандай инновацияли тадбир, уни амалга оширишнинг исталган босқичидаги, иқтисодий самараси деганда мазкур инновацияли тадбирни амалга ошириш муддати давомидаги натижалар қиймат баҳосининг барча турдаги ресурс харажатларининг қиймат баҳосидан ошиши тушунилади.

Автомобиль транспорт хизмат кўрсатишда инновацион маркетинг самарадорлигини ифодоловчи мезонлар ва уларнинг тавсифи берилган эди. Ушбу мезонларнинг хусусияти, таъсир кучи ва иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятларига қараб баҳолаш жараёнига танлаш лозим.

Шу нуқтаи назардан автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда инновацион маркетинг самарадорлигига корхонанинг техник эксплуатацион кўрсаткичлари ўзгариши ҳисобига ташиш ҳажми ва сифати ўзгариши орқали эришиш мумкин. Чунки транспорт хизмат кўрсатишда автомобиль транспортининг юрган масофасига қараб унинг баҳоси белгиланади. Транспорт воситаси техник соз ҳолатда бўлиб, белгиланган масофадаги техник

кўрсаткичлардан самарали фойдаланса, корхона ундан ижобий натижа кутиш мумкин.

**Докторант. и.ф.н. Д.Н. Хусанов:**

**1-савол. Тадқиқот ишининг натижалари қайси корхонага татбиқ этилган?**

**2-савол. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти нимада?**

**1-саволга жавоб:** Тадқиқот ишининг натижалари “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг транспорт хизмат кўрсатишида инновацион маркетингни самарали ташкил қилиш, инновацион маркетингни самарали қўллаш натижасида техник эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш ва иқтисодий самарага эришишда муҳим илмий ишланма сифатида қабул қилинди. Бу “Ўрта Осиё Транс” АЖнинг диссертация илмий янгиликлари амалиётга жорий этилганлиги бўйича 2017 йил 16 сентябрдаги 09/10-27-сонли маълумотномасида келтирилган.

**2-саволга жавоб:** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, автомобиль транспорти корхоналари рақобат устунлигини яратишда инновацион маркетинг ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, мутасадди ташкилотларнинг дастурий ва ташкилий фаолиятини йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин. Таклиф этилган услубий воситаларни кенг қўллаш орқали транспорт соҳасини тармоқлараро инновацион ривожланиш стратегиялари ва маркетинг дастурлари ҳамда ахборот баъзаларини шакллантириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан транспорт корхоналарида истиқболли маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудий ва мамлакат транспорт салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда автомобиль транспорт фаолияти муаммоларига оид илмий изланишларни олиб бориш, транспорт тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Таянч докторант. Х. Худойқулов:**

**Савол. Транспорт хизматларини иқтисодиётга таъсирини регрессион таҳлил ёрдамида аниқлагансиз, бошқа усулларда ҳам амалга ошириш мумкинми?**

**Жавоб:** Транспорт хизматларини ЯИМга ўзаро боғлиқлиги жуда кўп моделлар ёрдамида аниқланиши мумкин. Аммо биз ушбу жараёни регрессион таҳлил ёрдамида бажаришни авфзал кўрдик.

**Раис:** Марҳамат саволлар.

**Докторант. и.ф.н. Б. Бойхонов:**

**1-савол. Тадқиқот ишида қайси олим ва мутахассисларнинг ишлари ўрганилан, уларнинг тадқиқотида қайси жиҳатлар мавжуд?**

**2-савол. Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетингнинг ўзига хослиги нимада?**

**1-саволга жавоб:** Автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унда маркетингнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида бир қатор илмий ишлар мавжуд бўлиб,

узоқ хорижий олимлардан В. Кингстон, Д.Бенсон, П. Друкер, Д.Вукадинович, Ж. Бендекович, М. Бодмер Ф. Котлер, Й. Шумпетер кабиларнинг изланишлари диққатга сазовордир. МДХ мамлакатларида инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш бўйича А.И. Ансофф, А.Б. Секерин, В. Романов, Р.А. Фатхутдинов, А.Б. Титов, Т. Шерстобитова ва бошқалар, мутахассис олимлардан З.И.Аксенова, В.П.Бычков, А.Бачурин, Н.К. Горшенин, Ю.Х. Гукетлев, И. Демьянович, В.И. Табаков, И.А. Морозова, Л.Б.Миротин ва бошқалар томонидан транспорт тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, транспорт-логистика хизматлари соҳасини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда маркетинг тадқиқотлари бўйича изланиш олиб борган маркетинг олимлар А.Ш. Бекмуродов, М.Р. Болтабаев, М.С.Қосимова ва Ш.Ж. Эргашходжаева иқтисодий эркинлаштириш ва ривожлантиришда инновацион маркетинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда соҳа мутахассисларидан М.А.Икрамовнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, Ғ.А. Саматовнинг транспорт тизими фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ҳамда инновацион ривожлантириш, С.А. Салимовнинг транспорт маркетинги ва автомобилсозлик саноати рақобатдошлигини ошириш, Я.К. Қарриеванинг Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиш учун халқаро йўлаклардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммоларига, М.Н. Ирисбекованинг автомобиль транспорти хизматларида маркетинг механизмлари, М.Н. Равшановнинг йўл-транспорт мажмуасида ресурс салоҳиятидан фойдаланишни оптималлаштириш, Т.У. Қодировнинг автомобиль транспорти тизими рақобатдошлигини оширишга бағишланган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг транспорт тизими фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда автомобиль транспорти соҳасида бизнес жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳа корхоналарида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, инновацион маркетинг фаолиятини кенгайтириш истиқболлари ва самарадорликни баҳолашнинг илмий-услубий асослари каби масалалар республикамиз иқтисодий адабиётларида етарлича ёритилмаганлигини кузатиш мумкин.

Шу сабабли, иқтисодий тармоқлари ривожланишига мутаносиб равишда автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий асосланган ташкилий-иқтисодий механизмлари ва услубиятларини тадқиқ этиш лозим деб топилди.

Мазкур тадқиқот ишида автомобиль транспорти тизимининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги ўрнига баҳо бериш, уни ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар иштирокчилари томонидан қўйилаётган мақсад ва вазифаларга мос равишда ривожлантирилиши ва такомиллаштириб

борилишини асослаб бериш, автомобиль транспорти корхоналари фаолиятида инновацион маркетингнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ ифодалаб бериш ва унинг корхона фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолаш борасида ўзига хос уринишлар амалга оширилди.

**2-саволга жавоб.** Замонавий транспортнинг олдида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; юк ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик, узлуксизлик ва тезкорликни таъминлаш каби талаблар қўйилади. Уларга жавоб бериш учун автомобиль транспорти қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

тижорат талаби доирасидаги вазифаларни бажариш имконини берувчи транспорт воситалари, ускуна ва қурилмалардан иборат маълум бир ишлаб чиқариш қуввати;

хизмат кўрсатиш қувватларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришни таъминловчи тизим;

транспорт воситалари, ускуна ва қурилмаларнинг юқори даражадаги сифати;

самарали эксплуатацион кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги ва ҳоказо.

Алоҳида қайд этиш керакки, тармоқларнинг автомобиль транспорти ёрдамида юк ва йўловчиларни ташишига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича транспорт воситалари эксплуатациясини амалга ошириш жараёни турли-туман усул ва турли транспорт воситалари кўмагида бажарилиши мумкин. Бунда энг муҳими ҳаракатдаги зарур воситалар турини, техник қурилма, жиҳоз ва ускуналар ҳажмини тўғри танлаш, уларнинг ўзаро самарали мутаносибликда бўлишини таъминлаш ҳамда ташиш жараёнини самарали ташкил этишга эътибор қаратилади. Булар, ўз навбатида, автомобиль транспорти хизматларининг рақобат устунликларини таъминлашда инновацион воситаси сифатида намоён бўлади.

**Докторант. и.ф.н. С.С. Қосимов**

**Савол. Инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ўрганилганми?**

**Жавоб:** Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар тўрт даражага ажратилиб, ҳар бир даражада табиий учрашига қараб омиллар тизимлаштирилди, булар: мега даражадаги омиллар, макродаражадаги омиллар, мезодаражадаги омиллар, микродаражадаги ва ҳар бир даражада табиий учрайдиган омиллардир. Ички ва ташқи омилларга қуйидагилар киради.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларнинг иерархик таснифи юқоридан пастга ёки пастдан юқорига қараб таҳлил қилиш ва баҳолашда ёндашув бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан, автомобиль транспорти тизимининг инновацион маркетинг фаолиятига мегадаражадаги омиллар таъсирини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

глобал рақобат; халқаро транзит ва битимлар, халқаро йўлак ва транспорт воситалари, халқаро транспорт инфратузилмаси.



халқаро интеграция;

халқаро ахборотлашуви; транспорт коммуникация.

географик ва табиий омиллар; мамлакатимиз Марказий Осиёда жойлашуви, географик жиҳатдан қуруқликда жойлашгани ва сув транспортдан фойдаланиш имконияти йўқлиги, автомобиль транспорти хизматлари ривожланган мамлакатлардан узоқлиги, йилнинг ҳар бир фаслидаги иқлим шароити автомобиль транспорти хизматини ривожлантириш имконини беради.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион маркетинг фаолиятига макро даражадаги омилларга қуйидагилар киради:

сиёсий-иқтисодий; даврий иқтисодий жараёнлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш даражаси, автомобиль транспорти корхоналарини ривожлантиришга эътибор, бўлган хусусийлаштиришдаги давлатнинг сиёсий элементлари, молия-кредит ва баҳо сиёсати, инвестиция, ички ва ташқи рақобат муҳити, юқори юк оқими, солиқ ва бюджет сиёсати, ижтимоий муҳофазаси, фан, техника ва технологиялар ривожлашишдаги роли;

сиёсий-ҳуқуқий; автомобиль транспорт тармоқлари қонунлар билан таъминланганлиги, монополияга қарши қонунчилиги, хусусий ва давлат тасарруфидаги ташувчилар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар;

ижтимоий-маданий; мамлакат аҳолисининг яшаш тарзидан келиб чиқиб, уларнинг сафарбарлиги, ҳаракат хавфсизлиги;

илмий-техник омиллар; автомобиль транспорти тизимидаги кадрларнинг салоҳияти ва ихтиро қилишга бўлган мойиллиги, автомобиль транспорти корхоналарининг замонавийлиги ва янги транспорт воситалари билан таъминланганлиги;

инновацион салоҳияти; автомобиль транспорти тизимида инновацион фаолияти, молиявий ва моддий ресурслар салоҳияти, кадрлар салоҳияти, ижтимоий-психологик салоҳияти.

**Раис:** Саволлар борми? Йўқ. Унда менда савол бор.

**1-савол.** Нима учун инновацион маҳсулотларни силжитиш иборасидан фойдалангансиз?

**2-савол.** Автомобиль транспортида инновацион маркетинг самарадорлиги тадқиқотингиз натижаларига кўра қандай натижа берди?

**1-саволга жавоб:** Маркетинг назариясида маҳсулотни сотиш, тижоратлаштириш ва силжитиш иборалари мавжуд. Шу сабабли инновацион маҳсулотга нисбатан силжитиш иборасини қўллашни авфзал кўрдик.

**2-саволга жавоб:** Автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда инновацион маркетингни қўллаш самарадорлигини баҳолаш услубияти “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида қўлланилди. Бунга мувофиқ таклиф этилган услубият натижалари асосида белгиланган стратегик мақсадлар “Ўрта Осиё Транс” АЖ фаолиятида инновацион маркетингни жорий қилиши техник эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида ялпи даромад 17 %га оширилди, шунингдек, 660,0 млн. сўм қўшимча фойда олишга эришилди.

**Раис:** Тадқиқотчига саволлар борми?

**Овозлар:** Йўқ, етарли.

**2.** Хурматли илмий-семинар иштирокчилари кун тартибининг иккинчи масаласи сифатида **3-курс таянч докторанти А.Ж. Хўжамурадовнинг диссертация иши муҳокамасини** бошлаймиз. Хурматли тадқиқотчи! Марҳамат ўз диссертация ишингиз бўйича амалга оширилган ишларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этишингиз мумкин.

Ассалому алайкум, хурматли илмий семинар иштирокчилари, хурматли раис!

Бугун мен эътиборингизга 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит иқтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий ишимни тақдим этмоқдаман.

Республикамизда фонд бозори инфратузилмасининг иқтисодиётдаги роли паст бўлиб, давлатнинг макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки фонд бозорлари ривожланган мамлакатлардагидек, ўзининг бош функцияси – юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини инвестицияларга йўналтириш, яъни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида узоқ муддатли инвестицияларни жалб қила олмаяпти.

Сўнги ўн йилликда фонд бозорлари орқали миллий иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар жами инвестицияларнинг етти фоизини ҳам ташкил этмаган, жумладан, 2016 йилда олти фоиз ёки ушбу йилларда қимматли қоғозлар айланмаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги нисбати ўртача 1,2 %, хусусан, 2016 йилда 2,7 фоизни, 2010 йил натижалари бўйича биржа савдоси ҳажми қимматли қоғозлар бозори умумий айланмасининг 3,8 фоизи, 2011 йилда эса 2016 йилгача бўлган энг юқори кўрсаткични, яъни 13,3% фоизини ташкил этган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш бўйича бир нечта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Бунга фонд бозори инфратузилмаси ривожланмаганлиги, муомаладаги қимматли қоғозлар ликвидлиги пастлиги, биржа листингидан ўтган эмитентларнинг камлиги фонд бозори инфратузилмасини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат **(4-слайд)**.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришнинг назарий методологик асослари илмий жиҳатдан ёритиб бериш;

фонд бозори инфратузилмаси объектлари ва элементлари юзасидан шаклланган тасаввурларни тўлдирувчи муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

фонд бозори инфратузилмасини функциялари ва бўғинлари фаолиятини такомиллаштириш;

қимматли қоғозлар бозори инфратузилма элементлари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси миллий фонд бозори инфратузилмасини ривожлантиришдаги муоммолар ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар бериш **(4-слайд)**.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Тошкент” РФБ ва Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори танланган **(5-слайд)**.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистон Республикаси фонд бозори инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш муоммолари, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган муносабатлар ҳисобланади **(6-слайд)**.

Фонд бозори инфратузилмасини ролини янада ошириш ва чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори ҳамда UCI индекси фаолияти танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасини шаклланишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари таклиф этилган;

ривожланган халқаро фонд биржалари амалиётида қўлланилувчи инфратузилмаларни ташкил этиш ва ишлаш услубларидан фойдаланиш йўллари асосланган;

фонд бозори инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таснифланди ва бозорни ривожланишига таъсирини баҳолаш методикаси таклиф этилди;

фонд бозорида институционал инвесторларнинг ролини ошириш стратегиялари таклиф этилди **(7-слайд)**.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг иқтисодийга жалб этилаётган инвестицияларга таъсирини баҳолаш орқали кўриладиган иқтисодий самара аниқланди;

фонд бозори инфратузилмасига кирувчи инфратузилмавий институтларни ташкил этиш ва фаолият юритиш механизмлари ривожланган мамлакатлар фонд бозориги илғор хорижий тажрибаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистон фонд бозорига қўллаш имкониятлари ёритиб берилди;

инфратузилмавий институтлар ўртасидаги ўзаро алоқалар тизимли таҳлил қилиниб, такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Пай фондлари туғрисида”ги қонунига асосан Пай фондларини ташкил этиш бўйича низомга таклифлар берилди; фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиниб, ривожланишини таъминловчи омиллар белгиланди. **(8-слайд).**

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** “Тошкент” Республика фонд биржасини ривожлантириш модели ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади **(9-слайд).**

**Ишнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, мамлакатимизда бўлиб ўтган 4 та, хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган 1 та илмий-амалий анжуманда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган. Хусусан, “Фонд бозори самарадорлигини ошириш молия бозорининг тараққиёт гарови” (Тошкент, 2012), “Совершенствование фондового рынка в условиях рынка” (Москва, 2013), “Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш” (Тошкент, 2015), “Ўзбекистон фонд бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари” (Тошкент, 2017), “Банк хизматлари самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг ўрни” (Самарқанд, 2016), “Повышение эффективности инфраструктурного обеспечения торговли ценными бумагами” (Москва, 2016).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 6 та ва нуфули хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий анжуманларда 9 та маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертация** кириш, 9 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 138 бетдан иборат. Тадқиқот учун 105 та манба ва адабиётлардан фойдаланилди.

Инфратузилма – ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир.

“Инфратузилма” атамаси лотинча “infra” - қуйи, ости; “structura” - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. «Инфратузилма» атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, бу тушунчани турлича талқин қилиш ҳолатлари учраб туради. Бир гуруҳ олимлар инфратузилманинг функциясини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишда деб қараб, уни хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими сифатида белгилайдилар.

Бозор иқтисодиёти қарор топиб бориши билан бозор инфратузилмаси ҳам кенг шаклланиб боради. Айтиш мумкинки, бозор инфратузилмаси бозор тизимининг ажралмас муҳим шартидир.

Иқтисодий тушунчалар луғатида “Бозор инфратузилмаси (инглизча market infrastructure) – асосий вазифаси товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб беришдан иборат бўлган тармоқ, кичик тармоқ ҳамда фаолият соҳалари (транспорт, таъминот, мол тарқатиш, савдо ва ҳ.к.)нинг мажмуи” сифатида таърифланиб, ривожланган бозор инфратузилмаси иқтисодиётдаги маблағлар айланишининг тезлашуви, янгидан яратилган қийматнинг реализацияси жараёни учун шарт-шароит яратади **9-слайд**).

Иқтисодий адабиёт ва лексикада қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозори тушунчалари кўплаб учрайди. Хусусан, Е.Ф. Жуков шундай ёзади: «Ҳозирги пайтда қимматли қоғозларнинг иқтисодиётни молиялаштиришда иштирок этувчи учта бозори мавжуд: биржадан ташқари, фонд (биржа) ва кўча». Бошқа иқтисодчилар эса, масалан Я.М. Миркин, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори тушунчалари бир тушунча, деб қарайдилар. Лекин ҳар учала бозорда ҳам «фонд қимматликлари», деб аташ мумкин бўлган айнан бир товар котировкаланишини инобатга олсак, «қимматли қоғозлар бозори» ва «фонд бозори» тушунчалари ўзаро айнан ўхшашлиги маълум бўлади.

“Тошкент” Республика фонд биржаси – қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар (Марказий депозитария, Ҳисоб-клиринг палатаси, брокерлик идоралари, Андеррайтерлар, тижорат банклари) билан бирга қимматли қоғозлар билан савдо жараёнларини янада такомиллаштириб бориш орқали фонд бозорининг барча субъектлари учун инвестиция манбаларига эркин кира олиш имконини яратиб берувчи ташкиллашган ва доимий фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозоридир **10-слайд** .

Фикримизча, фонд бозори инфратузилмаси фонд бозорининг самарали фаолият юритиши ва мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган, фонд биржаси қонун қоидаларига асосан фаолият юритадиган, алоҳида ҳамда мустақил бўлган тизим ва тузилмалар мажмуасидир. Биз фонд бозори инфратузилмасини инвестицион фаолиятга боғлаб ўрганамиз ва шу орқали иқтисодиётни барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини оширишдаги ўрни муҳим эканлигини инобатга олиб, фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Буни **11-слайдда** кўришимиз мумкин.

Худди шундай кластер усулида 26 та корхонани бирлаштирилиши эса, ўз навбатида, 46857593 (1802215,1\*26) минг сўм иқтисод қилиш имконини беради.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

**Раис:** Асқаржон Жалолович диссертациясининг асосий мазмуни бўйича ўз фикрларини билдирди. Энди биз диссертация муҳокамасига ўтамиз. Диссертация бўйича қандай савол бор? Марҳамат!

**и.ф.н. доц. Б. Бойхонов:**

**1-савол. Фонд бозори инфратузилмасининг функциялари нималардан иборат?**

**2-савол. Фонд бозори инфратузилмасини баҳолаш кўрсаткичларини қандай услубларга таянган ҳолда ишлаб чиқдингиз?**

**1-саволга жавоб:** Юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини инвестицияларга йўналтириш, яъни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиб, уни иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари орасида трансформация қилишдан иборат.

**2-саволга жавоб:** Фонд бозори инфратузилмасини баҳолашда биз омилли таҳлил усулидан фойдаландик.

**и.ф.н., доц. С. Қосимов:**

**1-савол. Республикамиз олимлари томонидан Фонд бозори бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилганми? Агар амалга оширилган бўлса, сизнинг тадқиқотингиз уларнинг ишларидан нимаси билан фарқ қилади?**

**1-саволга жавоб:** Мамлакатимизда ушбу масала бўйича бир қатор олимлар, жумладан, И.Бутиков, Н.Каримов, Ф.Мирзаев, Ш.Шоҳазамий, М.Хамидулинлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ушбу илмий ишлар фақат қимматли қоғозларга ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Бизнинг тадқиқотда эса фонд бозорида фаолият юритувчи турли инфратузилмавий институтларнинг ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш ҳолатини ўрганиб, эришиладиган иқтисодий самарани ҳисоблаганмиз.

**Таянч докторант Х.Худойқулов**

**1-савол. Фонд бозори самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни қандай категориялар бўйича танлагансиз ва гуруҳлагансиз?**

**2-савол. У- сифатида танланган UCI индексига таъсир қилувчи омиллардан бири минус ишора билан чиққан. Фикримча бу тескари таъсирни англатади, шунга изоҳ берсангиз?**

**1-саволга жавоб:** Фонд бозори самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири турли даражада таъсир кўрсатади. Таъсир кўрсатиш даражасининг қанчалик юқори ёки пастлигига қараб, уларни икки катга гуруҳга ажратиб чиққанмиз. Шу нақтаи назардан қараганда ташқи омиллар фонд бозорининг ривожланишига нисбатан камроқ таъсир даражасига эга омиллар ҳисобланади.

**2-саволга жавоб:** Ҳақиқатан ҳам ушбу омиллар орасида айримлари моделимизда минус ишора билан чиққан. Бунда минус ишора билан чиққанлар тескари таъсирни англатади. Ҳақиқатан ҳам назарияга кўра агар аҳоли жамғармаси камайса, демак, у пулининг бир қисмини фонд бозорига сарфлаган ҳисобланади ва бу индекс ортишига олиб келади. Бизнинг моделимизда жамғарма омили худди шундай моҳият касб этмоқда.

**Раис:** Тадқиқотчи А.Хўжамурадовга яна саволларингиз борми?

**Овоз:** Йўқ! Етарли.

**Раис:** Тадқиқотчига бошқа саволларингиз бўлмаса, кун тартибининг 3-масаласига ўтамиз.

**3. Кун тартибига қўйилган мазкур 3-масала юзасидан илмий семинар иштирокчилари томонидан илмий тадқиқот соҳаси доирасида амалга**

оширилаётган ишлар, ваколатли органлар томонидан чиқарилган қарор, фармойиш ва меъёрий хужжатлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган устувор вазифалар, шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеясининг 72-сессияси ишида қилган маърузаси бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, билдирилган таклифларни инобатга олиб, илмий-услубий семинар мажлиси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан университет илмий ишлар бўйича проректори Ш.И. Мустафакулов ва ИИПКТ бўлим бошлиғи М.Қосимованинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. 3-курс таянч докторантлари А.Ж.Қаххоров ва А.Ж.Хўжамуродовларнинг диссертация иши бўйича олиб бораётган илмий тадқиқот фаолиятлари “қоникарли”, деб топилсин.

3. Таянч докторант, докторант ва мустақил излунувчилар томонидан йиллик иш режаларининг бажарилиши таъминлансин.

4. Халқаро журналларда мақола ва тезисларни тақдим этиш жараёни фаоллаштирилсин.

5. Диссертация ва унинг автореферати ОАК талабларига мослаштирилсин.

6. Муҳокама жараёнида билдирилган камчиликлар бартараф этилгач, кафедралараро илмий семинарга тавсия этилсин.


**Илмий тадқиқот ва  
ИПКТ бўлим бошлиғи**

**М.Қосимова**

**Мажлис котиби**

**Ш.Егамбердиев**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**Илмий-услубий семинар мажлисининг 2-сонли  
БАЁННОМАСИ**

**Тошкент-2017 йил**



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Илмий ишлар бўйича проректор**

\_\_\_\_\_  
**Ш.И. Мустафакулов**  
“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2017 йил**

**Тошкент ш.**

**2017 йил 4 октябрь**

**Раислик қилувчи:** Илмий ишлар бўйича проректор Ш.И.Мустафакулов.

**Қатнашдилар:** Академик И.Искандеров, Буюк Британиянинг Вестминстер университети Тошкент шаҳри филиали ўқитувчиси Ж.Негматов, ИИПКТ бўлими бошлиғи М.С.Қосимова, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар (рўйхати илова қилинади).

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти билан танишиш тўғрисида.*

*2. Илмий фаолиятни янада жонлантириш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳаётий тажрибалар баёни.*

*3. Илмий тадқиқотларни олиб боришда эконометрик таҳлиллар ва регрессион моделларни яратишнинг замонавий масалалари.*

*4. Илмий семинарнинг йиллик режасини тасдиқлаш.*

Мазкур илмий семинарни университет илмий ишлар бўйича проректори Ш.Мустафакулов очиб берди. Хурматли илмий семинар иштирокчилари! Сизлар билан яна дийдор кўришиб турганимдан ғоят мамнунман. Рухсатингиз билан бугунги илмий семинарга таклиф этилган меҳмонлар билан сизларни таништириб ўтсам. Академик **Иброҳим Искандеров** – устозимиз, иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги. **Жаҳонгир Негматов** – Буюк Британиянинг Вестминстер университети Тошкент шаҳри филиали ўқитувчиси, “Эконометрика” фани бўйича етук мутахассислардан бири ҳисобланади.

Хурматли иштирокчилар! Бугунги илмий семинар кун тартибига бешта масал киритилган бўлиб, шулардан биринчиси Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳияти билан танишиб чиқишдан иборат.

## **1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти билан танишиш тўғрисида**

Шу йилнинг 18-20 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этди. Ҳар йили ўтказиладиган умумий музокаралар 19 сентябрда бошланди ҳамда 28 сентябрга қадар давом этди. 72-сессия “Дикқат марказида инсонлар: барқарор сайёрада ҳамма учун тинчлик ва муносиб ҳаётга интилиш” шиори остида ўтди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти Ўзбекистонга умумбашарий тинчлик ҳамда хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари ҳал қилиниши ва атроф-муҳит муҳофазасини қўллаб-қувватловчи универсал халқаро тизим сифатида қарайди. Бундан ташқари, БМТга аъзолик мамлакатимизга дунёнинг глобал даражадаги кун тартибида янада фаол қатнашиш, тинчлик, тараққиёт ҳамда ҳамкорлик мақсадларини илгари суриш, замонамизнинг жаҳон ва минтақа аҳамиятига молик қатор мураккаб муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг баҳс ҳамда қарама-қаршилиқлар дипломатия йўли билан ҳал қилинишини кўзлаши БМТ фаолияти билан ҳамоҳангдир. Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият концепциясидаги асосий вазифалардан бирини амалга ошириш, яъни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш ҳудудига айлантириш юзасидан давлатимиз қабул қилаётган чора-тадбирлар БМТ томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов таъкидлаганидек, Президентимизнинг АҚШга ташрифини, ҳеч муболағасиз, тарихий, деб баҳолашга барча асос бор. Унинг тарихийлиги, энг аввало, ташрифнинг кўлами, кун тартибига қўйилган муҳим ҳамда долзарб масалалар ва эришилган амалий келишувлар билан тасдиқланади. Жумладан, қуйидаги масалаларга тўталиб ўтилди:

- *Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устунлиги.*
- *Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг умумҳалқ муҳокамасидан ўтганлиги.*
- *Халқ бой бўлса, давлат қудратли бўлади.*
- *Миллий валютани эркин конвертация қилиш масалалари.*
- *Эркин иқтисодий ҳудудлар.*
- *Халқаро молия институтлари (Кристиан Нагар).*
- *Яқин қўшничилик алоқалари.*
- *Орол фожиаси, сув тозалаш ҳовузларини қуриш.*

- Афғонистон можораси.
- Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенция.
- Диний тотувлик.

Қолаверса, эълон қилинган ташаббуслар ҳамда илгари сурилган таклифлар ўзбек дипломатияси олдига турли йўналишлар бўйича янги-янги вазифаларни белгилаб беради.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи эса Ўзбекистоннинг янгиланган қиёфаси ва ривожланиш стратегияси бўйича амалга оширилаётган чуқур ислохотларнинг ёрқин ҳамда батафсил тақдироти бўлди. Айтиш жоизки, бу нутқни халқаро ҳамжамият, кузатувчилар кутганди. Чунки улар учун бугун Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар амалга оширилаётганини билиш қизиқ эди.

Умуман, ишонч билан айтиш мумкинки, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузини ошириш ҳамда унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташкилот низомида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Самарали ҳамкорликнинг 25 йили давомида орттирилган қимматли тажриба эса БМТнинг энг муҳим ҳужжатларида акс этган юксак мақсадларга эришилишига хизмат қилиши муқаррар.

## **2. Илмий фаолиятини янада жонлантириш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳаётий тажрибалар баёни**

Бугунги кунда илмий тадқиқот соҳасининг ҳар қандай турида устозлар ва соҳа мутахассисларининг ўрни беқиёсдир. Чунки ёш тадқиқотчиларга уларнинг бутун умр давомида ортирган тажрибасидан фойдаланиш орқали ўз фаолиятини самарали ташкиллаштириш имконини берувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ана шундай ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори Иброҳим Искандеров университетимизга ташриф буюриб, мазкур илмий семинарга йиғилган таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Москвадан илмий даража билан Ватанга қайтган И.Искандаров ЎзФА Иқтисодиёт институтида илмий ходимга хос – кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим бошлиғи, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва институт директори каби барча поғоналарни босиб ўтди.

Бу жабҳада вазият ва зарурат унга мамлакатимиз учун ўта муҳим янгидан-янги иқтисодий йўналишлар бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этар эди.

Энг аввало, XX асрнинг олтмишинчи йилларининг ўртасида собиқ СССР учун энг устувор илмий тадқиқотлардан ҳисобланган Давлат дастури – “Экономические проблемы химизации и развития химической промышленности в СССР” мавзусига Ўзбекистон бўйича илмий раҳбарлик қилиш ЎзФА Иқтисодиёт институтининг бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди И.Искандаровга ишониб топширилди.

Пировардида қатор илмий ечилмалар ҳал этилиб, улар 1968 йилда И.Искандаров муаллифлиги ва таҳрири остида чоп этилган “Экономические проблемы развития химической промышленности Узбекистана” номли монографиясида ўз ифодасини топиши ва мазкур дастурга Иттифоқ бўйича координатор ва илмий раҳбар, СССР фанлар академиясининг академиги ва унинг Марказий Иқтисод-математика институтининг директори, таниқли иқтисодчи олим Николай Прокофьевич Федоренко томонидан юқори баҳоланган.

Сўнгра И.Искандаров бошқарган бўлимга Ўзбекистонда газ, нефть ва рангли металллар комплексини бунёд этиш иқтисодий стратегиясини таҳлил қилиш юклатилди.

И.Искандаров 1971 йил март ойида ЎзФА Иқтисодиёт институти директори этиб тайинланганидан кейин, унинг раҳбарлигида институтнинг шу йилларда бажарган энг муҳим тадқиқотларидан бири, унча биронта иттифоқдош республикалар пойтахтида юз бермаган, Тошкент шаҳри партия комитетининг биринчи секретари А.А.Хожаев кўмагида, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ҳудудлари ва жамоаларнинг узвий боғланган, узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболи ишлаб чиқилганлиги бўлиб, уни ЎзССР КП марказий комитети томонидан тасдиқланиши институт тарихида юз берган муҳим воқелик бўлиб, у кенг жамоатчилик орасида эътиборга сазовор бўлган эди.

И.Искандаровнинг катта илм-фан даргоҳига кириб келиши, 1976 йилдан уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Президиуми аъзоси ва 1979 йили академиги этиб сайланишидан бошланди ва унга қарийб 20 йил мобайнида аъзо бўлиши даврида қатор раҳбарлик:

– ЎзР ФА фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг Академик – секретари, ЎзР ФА бош илмий котиби ва ЎзР ФА Вице-президенти лавозимларида фаолият юритди ва Академия тизимида илмий-ташкилий ишларни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларнинг талаблар асосида ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшди.

Унга инсоният тараққиёти ва ижтимоий ривожланишга қўшган муҳим ҳиссаси учун Америка Биография институтининг “1998 ЙИЛ ОДАМИ“ фахрий унвони берилган ҳамда мазкур институт томонидан 1999 йилда “XX АСРНИНГ БУЮК ЮТУҚЛАРИ” учун бериладиган мукофот совриндори бўлиб, жаҳондаги “500 АТОҚЛИ ЛИДЕРЛАР” рўйхатига киритилиб, чоп этилган тўплам нашридан (Five Hundred Leaders of Influence on Permanent Record at the U. S.

Library of Congress, Washington. D. C, Publication Date: -1999. 124-125 а) ўрин эгаллаган.

Олим республикамизда нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий адабиётлар тахририятининг аъзоси ва қатор илмий асарларга бош мухаррирлик қилган.

Академик Искандеров ўз ҳаёт йўлида ҳақида гапирар экан, сўзнинг сўнгида илмий семинар иштирокчиларига мамлакатимизда илмий тадқиқот олиб бориш учун яратилган бундай имкониятларни кенг фойдаланган ҳолда ўз тадқиқот ишларини янада жонлантириш, малакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўша оладиган кадрлар бўлиб етишишларига самимий тилакларини билдириб ўтди. Илмий семинарга йиғилганлар олимга ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этдилар. Берилган саволларга академи И.Искандеров атрофлича жавоб бериб ўтди.

**3. Илмий тадқиқотларни олиб боришда эконометрик таҳлиллар ва регрессион моделларни яратишнинг замонавий масалалари.** Кун тартибига қўйилган мазкур масала юзасидан Буюк Британиянинг Вестминстер университети Тошкент шаҳри филиали ўқитувчиси Ж.Негматов “Оддий чизиқли регрессия модели” мавзусида тақдимотини йиғилганлар эътиборига ҳавола этди. Жумладан, қуйидагиларга алоҳида тўхталиб ўтди:

- зарур тушунчалар;
- иқтисодий ва эконометрик моделлар;
- ЭКК усулининг моҳияти;
- ЭКК механикаси;
- детерминация коэффициенти;
- чизиқсиз боғланишлар;
- ҳисобланган параметрлар стандарт хатоликлари;
- регрессия стандарт хатолиги;
- Г-М теоремаси.

Ж.Негматов соҳа мутахассиси сифатида илмий семинар иштирокчилари томонидан берилган саволларга аниқ мисоллар, эконометрик олимларнинг назарий қарашлари ва ўтказилган синов тажриба ишлари асосида жавоб бериб ўтди.

**4. Илмий семинарнинг йиллик режасини тасдиқлаш.** Мазкур масала юзасидан илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи сўзга чиқиб, университетда илмий тадқиқот фаолиятини олиб бораётган таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларнинг диссертация иши мавзуси доирасида амалга оширилган ишларни илмий семинарда тақдимот қилиш графигини тасдиқлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. ИТИПКТ бўлими ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган илмий семинарнинг йиллик режаси бир овоздан маъқулланди.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, билдирилган таклифларни инобатга олиб, илмий-услубий семинар мажлиси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан университет илмий ишлар бўйича проректори Ш.И. Мустафакулов, академик И.Искандеров, Вестминстер университети Тошкент шаҳри филиали ўқитувчиси Ж.Негматов, ИИПКТ бўлим бошлиғи М.Қосимоваларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тасдиқланган илмий семинар йиллик режасига қатъий амал қилиш зарурлиги докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчиларга тўлиқ етказилсин.

3. Ҳар чоршанба куни бўлиб ўтадиган илмий-услубий семинарнинг кун тартиби интернет ва бошқа электрон ахборот воситалари орқали докторантларга ўз вақтида етказилсин.

4. Илмий-услубий семинарнинг йиллик иш режасига бугунги воқелик ва Ҳаракатлар стратегияси бўйича амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, ўзгартиришлар киритилсин.

**Илмий тадқиқот ва  
ИПКТ бўлим бошлиғи**

**М.Қосимова**

**Мажлис котиби**

**Ш.Егамбердиев**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ

### Илмий-услубий семинар мажлисининг 3-сонли БАЁННОМАСИ

Тошкент-2017 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Илмий ишлар бўйича проректор**

\_\_\_\_\_  
**Ш.И. Мустафакулов**  
“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2017 йил**

**Тошкент ш.**

**2017 йил 11 октябрь**

**Раислик қилувчи:** Илмий ишлар бўйича проректор  
Ш.И.Мустафакулов.

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бўлими бошлиғи Ш.Эргашев, E-LINE PRESS компаниясининг электрон ресурслар бўйича мутахассиси Ю.Ем, ИИПКТ бўлими бошлиғи М.С.Қосимова, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар (рўйхати илова қилинади).

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ва истиқболда институт билан илмий соҳада олиб бориладиган вазифалар тўғрисида.*

*2. “Илмий тадқиқотлар учун электрон ахборот-ресурслари” мавзусидаги мастер-класс.*

Мазкур илмий-услубий семинарни кириш сўзи билан университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ш. Мустафакулов очиб берди ва семинарга таклиф этилган меҳмонлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бўлими бошлиғи Ш.Эргашев, E-LINE PRESS компаниясининг электрон ресурслар бўйича мутахассиси Ю.Емни таништириб ўтди.

Шунданг сўнг, Ш.Мустафакулов семинар кун тартибидаги биринчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаётганлиги ва ушбу институт билан истиқболда илмий соҳада олиб бориладиган фаолият тўғрисида тўхталиб ўтди.

Тадқиқотчиларни ўз илмий ишлари мавзулари доирасида ушбу институт томонидан белгиланган устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ҳамкорлик қилишга даъват этди.



Кун тартибидаги кейинги масала юзасидан Университетнинг ахборот-ресурс марказида жойлашган компютерлаштирилган аудиторияда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бўлими бошлиғи Ш.Эргашев, E-LINE PRESS компаниясининг электрон ресурслар бўйича мутахассиси Ю.Ем “Илмий тадқиқотлар учун электрон ахборот-ресурслари” мавзусидаги мастер-класс ташкил этилди. Мастер-классда Web of Science тизимида миллий обунанинг шартлари ва талаблари, илмий тадқиқотлар ва диссертация ишларининг ахборот таъминоти билан ишлаш бўйича ҳамда Ebsco information services маълумотлар базаси ва Web of science аналитик тизимлар билан қандай ишланилиши ҳақида мутахассислар томонидан тадқиқотчиларга тушунтириш ишлари амалга оширилди (тақдимотнинг тўлиқ матни илова қилинмоқда).

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, билдирилган таклифларни инобатга олиб, илмий-услубий семинар мажлиси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ш.И.Мустафакуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқаро журналларда мақола ва тезисларни тақдим этиш бўйича семинар-тренинглар ташкил этилсин.

3. Ҳар бир докторант ва мустақил изланувчи Web of Science маълумотлар базасига кириб, диссертация мавзуси бўйича халқаро журналлардан мақолаларни юклаб олиш тизими йўлга қўйилсин.

4. Илмий-услубий семинар котиби томонидан ҳар ҳафталик семинарни расмийлаштириш бўйича ишлар ўз вақтида юритилиши таъминлансин.

**Илмий тадқиқот ва  
ИПКТ бўлим бошлиғи**

**М.Қосимова**

**Мажлис котиби**

**Ш.Егамбердиев**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**Илмий-услубий семинар мажлисининг 4-сонли  
БАЁННОМАСИ**

**Тошкент-2017 йил**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Илмий ишлар бўйича проректор**

\_\_\_\_\_  
**Ш.И. Мустафакулов**  
“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2017 йил**

**Тошкент**

**2017 йил 18 октябрь**

**Раислик қилувчи:** Илмий ишлар бўйича проректор Ш.Мустафакулов.

**Қатнашдилар:** Тошкент Халқаро Вестминистр университети катта ўқитувчиси У.Ахунжонов, ИИПКТ бўлими бошлиғи М.С.Қосимова, Илмий котиб А.Н.Самадов, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар (рўйхати илова қилинади).

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Хорижий журналларда илмий мақолаларни нашр этиш усуллари, воситалари ва уни тайёрлаш жараёнлари тўғрисида.

2. Мустақил тадқиқотчи Х.Х.Мамадалиеванинг “Ўзбекистонда оила ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатлари” мавзусида 08.00.10 – “Демография. Меҳнат иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси тақдимоти ва унинг муҳокамаси.

3. Мустақил тадқиқотчи Ш.К.Курбаниязовнинг “Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги” мавзусидаги 08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация ишининг муҳокамаси.

Мазкур илмий-услубий семинарни кириш сўзи билан университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ш. Мустафакулов очиб, семинар кун тартибига қўйилган масалалар ва таклиф этилган меҳмон - Тошкент Халқаро Вестминистр университети катта ўқитувчиси У.Ахунжоновни таништириб ўтди.

Ш.Мустафакулов ўз нутқида бугунги кунда тадқиқотчиларни қийнаётган муҳим масала, яъни халқаро талаблар доирасида илмий мақола қандай тартибда ёзилади, уни ёзишда нималарга эътибор қаратиш лозим, кетма-кетлиги бўйича қандай расмийлаштирилади ва хорижий журналларда мақола қандай чоп этилади, деган саволга жавоб бериш сўзидан Тошкент Халқаро Вестминистр университети катта ўқитувчиси У.Ахунжоновга берди.

У. Ахунжонов ўз маърузасида илмий мақолани ёзишда нималарга аҳамият қаратилиши, адабиётлар таҳлили қандай амалга оширилиши, методологияни қай тарзда қўллаш, хорижий олимлар фикрини қай тарзда

ўрганиш, хорижий илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалардан кўпроқ фойдаланиш, уларнинг манбааларини албатта илмий мақолада келтириб ўтиш ва шу каби кўп масалаларга тўхталиб ўтди.

Маърузадан сўнг, семинар иштирокчилари бир қатор саволлар билан мурожаат қилишди. У.Ахунжонов эса ҳар бир саволга атрофлича жавоб берди.

Шундан сўнг, кун тартибининг иккинчи масаласи – диссертация иши муҳокамасига ўтилди. Режа бўйича 3-босқич мустақил изланувчилари Х.Х. Мамадалиева 08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Ўзбекистонда оила ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатлари” мавзусидаги ва Ш.К. Курбаниязов 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги” мавзусидаги диссертация иши бўйича тақдимот амалга оширилди.

Ушбу жараённи проректор Ш.И. Мустафакулов бевосита бошқариб борди.

Ҳурматли тадқиқотчилар! Бугун 2 нафар мустақил изланувчи диссертация иши натижалари бўйича тақдимотни амалга оширади. Сўз мустақил изланувчи Х.Х. Мамадалиевага берилади.

Тадқиқотчи Х.Х. Мамадалиева ўз тақдимотида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, асосий илмий янгиликлари ва эришилган натижалари бўйича семинар иштирокчиларига маълумот берди.

Тақдимотдан сўнг, Раис семинар иштирокчиларидан диссертация иши доирасида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишларини сўради. Х.Х. Мамадалиева ҳар бир берилган саволга атрофлича жавоб берди.

Раис. Агар бошқа саволлар бўлмаса, энди сўзни мустақил изланувчи Ш.К. Курбаниязовга бераман. Марҳамат!

Ассалому алайкум, ҳурматли илмий семинар иштирокчилари, ҳурматли раис!

Бугун эътиборингизга 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги” мавзусидаги илмий ишимни тақдим этмоқдаман.

Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий тизимини барча тармоқ ва соҳаларда ривожлантиришга қаратилган. Айниқса акциядорлик жамиятларида янги замонавий бошқарув усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Ушбу нуқтаи назардан нафақат акциядорлик жамиятларида, балки мамлакатимизда фаолият олиб бораётган компаниялар ва барча мулкчилик шаклдаги корхоналарда корпоратив бошқарув усулини жорий этиш, унинг

ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бирига айланди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланиши ўрта муддатли давлат дастурлари доирасида иқтисодиётни модернизациялашга сарфланган капитал қурилишнинг ривожланишига олиб келган катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар билан боғлиқ бўлди. Хусусан, 2016 йилда миллий иқтисодиётга сарфланган капитал қўйилмалар ҳажми 18 фоизга кўтарilib, деярли 50 трлн. сўмни ташкил этди.

Шунга нисбатан қурилиш ишларни ҳажми ошиб, қурилиш материалларга бўлган истеъмолни янада ўсишга олиб келади.

Айтиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқарилган қурилиш материалларни ярмидан ортиқроғи “Ўзқурилишматериал”лари АЖ корхоналарига тўғри келди. Ҳозирги вақтда компания таркибида 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари 120 та корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Улар қурилиш материалларга бўлган ички бозор талабини қониқтирмоқда.

Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. У ҳозирда нафақат мамлакатнинг цементга бўлган эҳтиёжини таъминламоқда, балки бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. У мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини умумий ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Истиқболда Ўзбекистонда цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш кенгайиб боради. Унинг ҳажми йилига ўртача 3.5 фоиздан ошиб, 2019 йилга келиб, 10 млн. тонна ҳажмдаги цемент ишлаб чиқарилади. Бу параметрлар мамлакатимизда 2015-2019 йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар бўйича ишлаб чиқаришда модернизация ва диверсификация қилиш дастурида белгиланган.

Юқорида белгиланганлардан келиб чиқиб, диссертация учун танланган **мавзу кенг мазмунли ва долзарб** ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарувнинг илмий-методологик асосларини ривожлантириш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертация мақсадидан келиб чиқиб, илмий ишда қуйидаги **вазифалар** ҳал этилди:

корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини ривожлантириш ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини аниқлаш;

корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми моҳияти, корпоратив бошқарувнинг илмий асосларини ривожлантириш босқичларини кўрсатиб бериш;

қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатида корпоратив бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизмининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

корпоратив бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизми моделини яратиш ҳамда “Ўзқурилишматериаллари” АЖда корпоратив бошқарувни жорий этиш ва унинг иқтисодий параметрларига ижобий таъсирини асослаш;

тармоқда корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми стратегиясини баҳолаш усулини таклиф этиш;

корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Ташкилот объекти** сифатида “Ўзқурилишматериаллари” АЖ ва унинг цемент заводлари танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети.** Корпоратив бошқарув тизими, муносабатлари (ташкилий, иқтисодий, технологик, ижтимоий) ҳамда қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар олинган тадқиқот предметини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида тизимли ва комплекс ёндашув усуллари, таққослаш ва эксперт таҳлил, эмперик баҳолаш, эконометрик таҳлил, статистик, иқтисодий, синтез усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- корпоратив бошқарувнинг назарий-илмий жиҳатлари ўрганилган “корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб унинг методологияси ривожлантирилган;

- корпоратив бошқарувнинг моҳиятидан келиб чиқиб, у билан боғлиқ бўлган илмий мезонлар, категориялар, кўрсаткичлар тушунчалари таққослаштирилган ва муаллиф томонидан янгича талқин қилинган;

- корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубияти ва унинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ривожлантирилган;

- корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

**Раис:** Ш. Курбаниязов диссертациясининг асосий мазмуни бўйича ўз фикрларини билдирди. Энди биз диссертацияни муҳокамасига ўтамыз. Диссертация бўйича кимда қандай савол бор? Марҳамат!

**Таянч докторант. Н.И. Рустамов:**

**1-савол.** Диссертация ишидаги статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва қайси манба асосида шакллантирилган?

**2-савол.** Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги мавзусида қилинган бошқа тадқиқотлар билан танишганмисиз?

**1-саволга жавоб:** Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

**2-саволга жавоб:** Компанияларда корпоратив бошқарув масаласи маҳаллий ва хорижий олимлар, мутахассислар томонидан кенг ўрганилган.

Корпоратив бошқарувнинг умумий илмий-услубий муаммолари хорижий олимлар тадқиқотларида, масалан, Р.С.Каплан., М.Д.Крук, Д.Р.Спитцер, Л.Х.Радеба, М.Мескон, И.И.Ансофф, С.А.Дефиллипс, Д.Джонсон, Д.Коллис, К.Кули, Ф.Лейн, С.Монтгомере, С.А.Мэлоун, М.Х.Мескон, А.Рассель, Ф.Торнелл, К.Уолш, М.Хессель, Л.Эдвинсон, К.Шоулз ҳамда бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган ва яқин хорижий давлатлар олимлари Мазур И.И., Веретиннокова И.И., Воронин В.П., Герчикова И.М., Федоренко М.В., Винокуров В.А., Старовойтов М.К., Райзберг Б.А., Сазонов В.Г., ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан Беркинов Б.Б., Ходиев Б.Ю., Хошимов А.А., Суюнов Д.Х., Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н., Хамидуллин М.Б., Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Мансуров О., Карлибаева Р.Ҳ, Нурибетов Р.И., Турикова Л.М. ва бошқаларнинг илмий асарларида мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг шаклланиши, ривожланиш хусусиятлари, ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги тадқиқ этилган.

**Докторант. и.ф.н. Д.Н. Хусанов:**

**1-савол. Тадқиқот ишининг натижалари қайси корхонага татбиқ этилган?**

**2-савол. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти нимада?**

**1-саволга жавоб:** “Ўзқурилишматериал”лари АЖ ва унинг цемент заводлари танлаб олинган.

**2-саволга жавоб:** Диссертация ишида корпоратив бошқарув ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги бўйича ёритилган фикр-мулоҳазалар, илмий-услубий ва амалий ишланмалар республика компанияларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга олиб келади.

**Раис:** Тадқиқотчига саволлар борми?

**Овозлар:** Йўқ, етарли.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, билдирилган таклифларни инобатга олиб, илмий-услубий семинар мажлиси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан университет илмий ишлар бўйича проректори, Тошкент Халқаро Вестминистр университети катта ўқитувчиси У.Ахунжоновнинг берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 3-курс мустақил излунувчилари Х.Х.Мамадалиева ҳамда Ш.К.Курбаниязовнинг диссертация ишлари бўйича олиб бораётган илмий тадқиқот фаолияти “қоникарли” деб топилиб, кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, кафедралараро илмий семинарга қўйишга тавсия этилсин.

3. Диссертация ва унинг автореферати ОАК талабларига мослаштирилсин.

4. Халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган конференцияларда диссертация мавзуси бўйича тақдимот-маърузалари билан иштирок этиш тизими таъминлансин.

5. Олиб борилган тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ишлари жонлантирилсин.

6. Ҳар бир боб бўйича хулосалар ишлаб чиқилсин ва диссертациянинг кириш қисмида ақс этувчи бандлар илмий жиҳатдан таҳрир этилсин.

**Илмий тадқиқот ва  
ИПКТ бўлим бошлиғи**

**М.Қосимова**

**Мажлис котиби**

**Ш.Егамбердиев**



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**Илмий-услубий семинар мажлисининг 5-сонли  
БАЁННОМАСИ**

**Тошкент-2017**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Илмий ишлар бўйича проректор**

Ш.И. Мустафакулов

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 йил

Тошкент

2017 йил 25 октябрь

**Раислик қилувчи:** Илмий ишлар бўйича проректор Ш.И.Мустафакулов.

**Қатнашдилар:** “Ўзингни англа” психологик хизматлар маркази директори ўринбосари Г.Утекова, ИИПКТ бўлими бошлиғи М.С.Қосимова, Илмий котиб А.Н. Самадов, таянч докторантлар, докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар (рўйхати илова қилинади).

**КУН ТАРТИБИ:**

4. “Психологические особенности человека, влияющие на поведение клиента” номли маъруза-тақдимотининг муҳокамаси.

5. Мустақил изланувчи Л.Ф. Мурадованинг “Пути повышения доходности активов коммерческих банков в условиях модернизации экономики Узбекистана” мавзусида 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация тақдими ва унинг муҳокамаси.

6. Таянч докторант М.А. Султановнинг “Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши муҳокамаси.

Мазкур илмий семинарни кириш сўзи билан университет илмий ишлар бўйича проректори Ш. Мустафакулов очиб, семинар кун тартибига қўйилган масалалар ва таклиф этилган меҳмон “Ўзингни англа” психологик хизматлар маркази директори ўринбосари Г.Утековани таништириб ўтди.

Ш.Мустафакулов ўз нутқида бугунги кунда инсон психологияси бугунги кунда қайндай аҳамиятга эга эканлиги, инсон психологияси билан боғлиқ замонавий билим ва кўникмалар тадқиқотчилар ўз илмий тадқиқот ишларини олиб боришларида нақадар муҳим аҳамият касб этиши ҳақида тўхталиб ўтди ва сўзни “Ўзингни англа” психологик хизматлар маркази директори ўринбосари Г.Утековага берди.

Г. Утекова семинар иштирокчиларига инсон психологияси, инсоннинг бирор-бир ҳатти-ҳаркатга ундовчи замонавий билим ва кўникмаларни ўргатди ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Маърузадан сўнг семинар иштирокчилари бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар. Г.Утекова эса ҳар бир саволга атрофлича жавоб берди.

Шундан сўнг, кун тартибининг иккинчи масаласи – диссертация иши муҳокамасига ўтилди. Режа бўйича 3-босқич мустақил изланувчиси Л.Ф.Мурадова 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган “Пути повышения доходности активов коммерческих банков в условиях модернизации экономики Узбекистана” мавзусидаги ва 3-босқич таянч докторанти М.А. Султанов 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган “Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича тақдимот қилди.

Ушбу жараёни проректор Ш.И.Мустафакулов бевосита бошқариб борди.

Ҳурматли тадқиқотчилар! Бугун 1 нафар мустақил изланувчи ва 1 нафар таянч докторантимиз ўз диссертация иши натижалари бўйича тақдимот қилиши режалаштирилган. Сўзни мустақил изланувчи Л.Ф.Мурадовага бераман.

Тадқиқотчи Л.Ф. Мурадова ўз тақдимотида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, асосий илмий янгиликлари ва эришилган натижалари бўйича семинар иштирокчиларига маълумот берди.

Тақдимотдан сўнг диссертация иши бўйича савол-жавобларга ўтилди. Раис семинар иштирокчиларидан диссертация иши доирасида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишларини сўради. Л.Ф. Мурадова ҳар бир берилган саволга атрофлича жавоб берди.

**Раис.** Агар бошқа саволлар бўлмаса, энди сўзни таянч докторант М.А. Султановга бераман. Марҳамат!

Таянч докторант М.А. Султанов ҳам ўз тақдимотида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, асосий илмий янгиликлари ва эришилган натижалари бўйича семинар иштирокчиларига маълумот берди.

М.А. Султановнинг диссертация иши тақдимотидан сўнг савол-жавобларга ўтилди. Раис, Ш.И. Мустафакулов семинар иштирокчиларидан диссертация иши доирасида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишларини сўради.

Семинар иштирокчиларидан М.С. Касимова, А.Қаххоров, Д.Хусанов, Б.Ўринов ва Н.Рустамов ва семинар раиси томонидан тақдимотчига саволлар берилди.

М.А. Султанов ҳар бир берилган саволга атрофлича жавоб берди.

**Раис:** Тадқиқотчига саволлар борми?

**Овозлар:** Йўқ, етарли.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, билдирилган таклифларни инобатга олиб, илмий-услубий семинар мажлиси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан университет илмий ишлар бўйича проректори Ш.И. Мустафакуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзингни англа” психологик хизматлар маркази директори ўринбосари Г.Утекова томонидан берилган маълумотларнинг қизиқарли бўлганлигини инобатга олиб, ҳамкорлик алоқалари янада кучайтирилсин.

3. 3-курс мустақил излунувчиси Л.Ф. Мурадова ҳамда 3-курс таянч М.А. Султановнинг диссертация ишлари бўйича олиб бораётган илмий тадқиқот фаолияти “қониқарли” деб топилиб, кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, кафедралараро илмий семинар тавсия этилсин.

4. Малакавий имтиҳонларни ўз вақтида топшириш ва кафедра мажлисларида танланган мавзу бўйича семинарларда иштирок этиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилсин.

5. Календарь режага мувофиқ амалга оширилган вазифалар бўйича ҳар ойлик маълумотлар (хисобот) ИТ ва ИПКТ бўлимига тақдим этилиши таъминлансин.

**Илмий тадқиқот ва  
ИПКТ бўлим бошлиғи**

**М.Қосимова**

**Мажлис котиби**

**Ш.Егамбердиев**